Бутуниттифоқ Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзининг XVIII съезди

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 95 (3596)
26 ЧОРШАНБА АПРЕЛЬ 1978 й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

МАМЛАКАТ ЁШЛАРИНИНГ КОММУНИЗМ САРИ ЮРИШИ

ВЛКСМ XVIII СЪЕЗДИ ОЧИЛДИ

Қарийб 38 миллионли комсомоллар отрядининг намояндалари завод цехларидан ва студентлар аудиторияларидан, Бутуниттифоқ зарбдор қурилишларидан, далалар ва фермалардан Бутуниттифоқ Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзининг XVIII съездида қатнашиш учун Москвага келдилар.

Съезд 25 апрелда Кремлнинг Съездлар саройида очилди.

Эрталаб соат 10. Съезд делегатлари ва меҳмонлари **Л. И. Брежнев, В. В. Гришин, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, Ф. Д. Кулаков, К. Т. Мазуров, А. Я. Пельше, Г. В. Романов, М. А. Суслов, Д. Ф. Устинов, П. Н. Демичев, М. С. Соломенцев, К. У. Черненко, И. В. Капитонов, В. И. Долгих, М. В. Зимянин, Я. П. Рябов, К. В. Русаков** ўртоқларни ўринларидан туриб гулдурос қарсаклар билан кутиб олдилар.

ВЛКСМ Марказий Комитетининг топшируvига биноан съездни комсомол Марказий Комитетининг биринчи секретари Б. Н. Пастухов очди.

Съезд содиқ ленинчи ўрток Л. И. Брежнев бошчилигидаги Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросини гулдурос қарсаклар остида съезднинг фахрий президиумига баланд руҳ билан сайлади.

Съезднинг қуйидаги кун тартиби бир овоздан тасдиқланади:

1. ВЛКСМ Марказий Комитетининг ҳисоботи.
2. ВЛКСМ Марказий ревизия комиссиясининг ҳисобот доклади.
3. ВЛКСМ Марказий органларини сайлаш.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўрток **Леонид Ильич Брежнев**га сўз берилади. Съезд делегатлари ва меҳмонлари ўринларидан туриб Л. И. Брежневни гулдурос, давомли қарсаклар билан табриклайдилар.

Ўрток Л. И. Брежневнинг нутқи узоқ давом этган гулдурос қарсаклар билан бир неча бор бўлиниб турди.

Сўнгра ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари **Б. Н. Пастухов** «ВЛКСМ Марказий Комитетининг ҳисоботи ва комсомолнинг ёшларда коммунистик онглилик, тайёргарлик, ироде ва коммунизм қуриш маҳоратини шакллантириш соҳасидаги вазифалари» тўғрисида доклад қилди.

Танаффусдан сўнг ВЛКСМ Марказий ревизия комиссиясининг раиси В. Б. Арсентьев комиссиянинг комсомол XVIII съездига ҳисобот докладини қилди.

Мандат комиссиясининг раиси В. А. Житенев комиссиянинг докладини қилди.

Съездда ВЛКСМ Марказий Комитети ва комсомол Марказий ревизия комиссиясининг ҳисобот докладлари муҳокама қилина бошлади.

26 апрелда ВЛКСМнинг XVIII съезди ўз ишини давом эттиради. (ТАСС).

РЕШЕНИЯ XXV СЪЕЗДА КПСС ВЫПОЛНИМ!
XVIII СЪЕЗД ВЛКСМ

Москва, 1978 йил 25 апрель. Кремлнинг Съездлар саройи. ВЛКСМ XVIII съезди. Суратда: съезднинг очилиш пайти.

ТАСС — ЎзТАГ телефотоси.

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ НУТҚИ

Делегат ўртоқлар! Ҳурматли съезд меҳмонлари!

Энг олий комсомол йиғилишимиз қатнашчиларини ва сизлар орқали барча комсомолларни, ҳамма совет ёшларини КПСС Марказий Комитети номидан, ленинчи партиямизнинг барча аъзолари номидан қизғин табриклайман! **(Қарсаклар).**

Бундан 58 йил муқаддам Владимир Ильич Ленин ўша пайтда ҳали жуда ёш бўлган комсомолнинг III съездида сўзлаган нутқида: «...агар ёшлар коммунистик ёшлар номига муносиб бўлишни ҳақиқатан истасалар, биз ёшларни нимага ўргатишимиз керак, улар қандай ўрганишлари керак ва бизнинг қура бошлаган нарсамизни уларнинг батамом қуриб, охирига етказа олишлари учун уларни бунга қандай тайёрлаш лозим». (Асарлар, 31-том, 291-бет) деган масалани бош масала деб билган эди.

Лениннинг масалани шу тахлитда қўйганлиги ҳозир ҳам ўзининг бутун актуаллигини сақлаб келмоқда. Ёшлар коммунизмнинг муносиб бинокорлари бўлишлари учун биз уларни нималарга ўргатишимиз ва улар қандай ўрганишлари кераклиги (бунда гап мактабдаги ўқитиб ўргатиш устидагина эмас, балки анча кенг маънода — ҳаёт илми маъносида ўқитиб ўргатиш устида бораяпти, албатта).— ҳозир ҳам комсомол ишидаги ва партиянинг шу ишга раҳбарлик қилишидаги бош масаладир.

Умуман кекса авлод коммунистлари шу кунлардаги совет ёшларидан мамнун бўлишлари мумкин, деб ўйлайман. Ёшларимиз коммунистик эътиқодли, партия ишига, улуғ Ленин ишига астойдил садоқатли бўлиб ўсмоқдалар. **(Қарсаклар).** Миллион-миллион йигит ва қизлар мардлик, матонат, Октябрь идеалларига садоқат намуналарини кўрсатмоқдалар. Улар коммунистик қурилиш жабҳасининг ҳамма соҳаларида зўр ғайрат-шижоат билан ишламоқдалар, мамлакатни ривожлантиришнинг тиғиз планларини бажариш учун жонбозлик билан курашмоқдалар. Қандай иш бўлмасин, унга улар ўзларининг алоҳида романтик жўшқинлигини ва таъбир жоиз бўлса, навқирон шунқорлигини бахш этмоқдалар. Шуларнинг ҳаммаси учун комсомолга раҳмат. Советлар мамлакатининг барча йигит-қизларига раҳмат! **(Давомли қарсаклар).**

Бундан буён ҳам қалбингизда мусаффо ватанпарварлик ўти аланга олаверсин топширилган иш учун, мамлакатда содир бўлаётган ҳамма воқеалар учун олижаноб шахсий масъулият туйғуси яшайверсин. **(Қарсаклар).**

Партия XXV съезди беш йилликнинг ва бундан буёнги истиқболнинг катта программасини тасдиқлади. Бу программа битта мақсадга: совет халқи янада яхшироқ, фаровонроқ, бахтлироқ яшасин, биз ўзимизнинг порлоқ манзилимиз — коммунизм сари янада дадил олға бораверайлик, деган мақсадга бўйсундирилган. Партия белгилаган режаларнинг кўпи беш йиллик давомида муваффақиятли рўёбга чиқарилмоқда, аммо ҳали биз шу жумладан, сиз—ёшлар ҳам—кўп иш қилишимиз керак, албатта.

I.

Самарадорлик ва сифат учун кураш — Ватанимизнинг бугунги кунига хос энг муҳим белгилардан биридир. Бу — вақтинчалик кампания эмас. Бу—партиямизнинг жиддий равишда олисни кўзлаб бошлаган йўлидир. Бу—шу беш йилликнинг энг асосий вазифасигина бўлиб қолмай, шу билан бирга иқтисодий ва социал ривожланишимизнинг келгусидаги кўп йилларга мўлжалланган белгиловчи омили ҳамдир. Айтиш мумкинки, бу—совет кишиларининг бутун бир авлодини тарбиялаш программасидир.

Мамлакатимизда ғоят кўп табиий бойликлар бор. Бизда неча-неча авлодларнинг куч-ғайратлари билан саноатда ҳам, қишлоқ хўжалигида ҳам қудратли иқтисодий потенциал вужудга келтирилган. Биз кўпдан-кўп маълумотли малакали кадрларни ўстириб тайёрладик, одамларга дурустгина турмуш шароитларини таъминладик.

Энди ана шу жуда бой ресурсларнинг ҳаммасидан омилкорлик билан, ишнинг кўзини билиб оқилона фойдаланиш, шу ресурсларни халққа яхшироқ хизмат қилдириш, улардан имкони борича кўпроқ фойда чиқариб олиш ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир.

Ўз-ўзидан равшанки, самарадорлик ва сифат—жуда кенг тушунчалардир. Бу тушунчалар ишлаб чиқарувчи кучларни янада оқилона жойлаштириш умумдавлат планларини тузишни такомиллаштириш, йирик иқтисодий проблемаларни ҳал этишга комплекс ёндашиш сингари энг асосий элементларни ҳам ўз ичига олади. Шу жиҳатдан партия, жумладан, Марказий Комитетнинг ўтган йилги декабрь Пленумида давлат органларимиз хусусан Госплан ва тегишли министрликлар олдига аниқ вазифалар қўйди. Бироқ, ҳар бир корхонага, ҳар бир цехга ва ҳар бир бригадага, ҳар бир меҳнаткашга жуда кўп нарса боғлиқдир.

Хўш, бунинг маъноси нима?

Бунинг маъноси — шунчаки интизомли ва тартибли ишлаш билангина кифояланмасдан, балки виждонан, омилкорлик билан, самарадор ишлаш, бошқалар ҳам меҳнатинг учун сени ҳурмат қиладиган, сен ўзинг ҳам ўзингни ҳурмат қиладиган даражада гўзал ишлаш керак, демакдир.

Бунинг маъноси — ҳар бир участкадаги меҳнатни оқилона ташкил этиш, маҳсулотнинг муттасил яхши сифатли ва уни янада яхшилаш учун рағбатлантиришнинг пишиқ-пухта системасини таъминлаш демакдир.

Бунинг маъноси — халққа тегишли моддий бойликларни эҳтиёт қилиб асрашни совет кишилари ҳаёти ва меҳнатининг биринчи қонунига айлантириш: унумсиз чиқимларни тугатишнинг тобора янгидан-янги усулларини сабот билан қидириб топиш демакдир.

Бунинг маъноси — меҳнат коллективларида ҳар бир киши имкони борича маҳсулдор, иложи борича самарадор ишлашни ва шундай ишлаш имкониятини олишни ўзининг табиий бурчи деб ҳисоблайдиган маънавий-психологик муҳитни: дангасалар, прогулчилар, бракчилар, жамоат мулкини талон-торож қилувчиларга ҳақиқатан ҳам тоқат қилиб бўлмайдиган вазият вужудга келтириладиган муҳитни яратиш демакдир.

Вазифалар ана шундай, ўртоқлар. Партия бу вазифаларни қатъият билан жуда аниқ қилиб қўйди. Партиянинг даъватини миллион-миллион меҳнаткашлар маъқуллаб, бу даъватга ўз ишлари билан жавоб бердилар.

Москва ва Ленинград, Минск ва Львов, Урал ва Кузбасс, Тошкент ва Қарағанда корхоналарида мамлакатнинг кўпгина меҳнат коллективларида бу соҳада ишлар кенг, планли ва саботли иш олиб борилаётганлиги, хойнаҳой, матбуот хабарларидан ўзларингизга маълум.

Бу ишда ёшлар актив қатнашмоқдалар. Сизлар: «Ёшларнинг ғайрат-шижоати ва ижодкорлиги — самарадорлик ва сифат беш йиллигига!» деган шиорни ўртага ташладингиз. Бу — яхши, тўғри шиор. Бу шиорни барча ёш ишчилар, колхозчилар, техниклар инженерлар кундалик ишда рўёбга чиқаришларига эришиш — комсомолнинг шон-шараф ишидир.

Илғор корхоналарда, масалан, Волжск автомобиль заводида ишлаб чиқариш самарадорлигини ва меҳнат сифатини ошириш масалаларини комплекс ҳал этишнинг фойдали тажрибаси тўпланди. Биз бу тажрибанинг кенг оммалашишига умид қилишга ҳақлимиз. Комсомол ҳам бу ишга кўмаклашиши лозим. **(Қарсаклар).**

Ёки щёкиноликлар методини олайлик. Бу метод ходимларни камайтириб ишлаб чиқариш ҳажмини анча ошириш имконини беради. Бунинг равшан эканлиги кўриниб турибди. Бироқ, бу метод ҳамон дуруст оммалашгани йўқ. Чамаси, айрим хўжалик раҳбарлари, идораларнинг ходимлари одат тусига кириб қолган қоидалардан асло воз кеча олмаяптилар, ишлаб чиқаришни бошқаришнинг айрим принципларини ва уни ташкил этиш формаларини қайта кўриб чиқиб, ўзгартира олмаяптилар.

Илғор тажрибани ишчанлик билан жорий этишни ўрганиб оладиган, ҳар қандай фойдали ишни ниҳоясига етказадиган вақтимиз келди, ўртоқлар. **(Қарсаклар).**

Хўш, халқ хўжалигимизда самарадорлик ва сифат учун курашнинг ҳозирги ҳал қилувчи участкалари қайсилардан иборат? Бундай участкалар бир неча бўлса ҳам, аммо мен биринчи навбатда яна капитал қурилиш билан транспортни кўрсатган бўлур эдим. Бизнинг бутун иқтисодий фронтдаги муваффақиятларимиз кўп жиҳатдан ана шу участкалардаги ишнинг яхшиланишига боғлиқ бўлади. Бу масалаларга Марказий Комитетнинг бултурги декабрь Пленумида жуда катта эътибор берилди. Ўзларингизга маълумки, мамлакатнинг шарқий районлари бўйлаб яқинда қилинган сафар вақтида бу ҳақда яна гапиришимга тўғри келди.

Илгари таъкидлаб ўтганимдек, ношудлик қилаётган, куч ва воситаларни зарур жойларга тўплашни уддалай олмаётган, халқ маблағини битмай ётган қурилишларда ҳаракатсиз қолдираётган хўжалик раҳбарларидан қатъий жавоб талаб қиламиз. Аммо гап фақат раҳбардагина эмаску, ахир. Бу иш қурилиш ва транспортда ишлаб турган миллион-миллион кишилар, улар орасидаги миллионлаб йигит ва қизлар, шу жумладан комсомоллар қандай ишлашига, қандай масъулият ҳис қилишига ҳам боғлиқдир. Бу ўринда ижодий ташаббускорлик, ҳамма соҳалардаги зарбдор иш, халқ хўжалигининг мамлакат учун пировард самарасини таъминлашни олий мақсад қилиб олган мусобақа айниқса муҳимдир.

Масалан, турдош корхоналар ходимларининг «ишчилар эстафетаси» принципи асосида мусобақа бошлаш—беш йиллик планда кўзда тутилган энг муҳим қувватлар ва объектларни ўз вақтида ҳамда муддатидан илгари ишга тушириш учун қурилишларнинг, лойиҳачиларнинг, саноат транспорт ва қишлоқ хўжалиги корхоналарининг коллективлари ўртасида мусобақалашиш ташаббусини кенг миқёсда ривожлантириш фойдали бўлур эди.

Транспортга келганда, ленинградликларнинг қимматли ташаббусини, — Ленинград транспорт узелидаги денгизчилар темирйўлчилар, автомобилчилар ва дарёчилар коллективларининг меҳнат ҳамдўстлиги тажрибасини қайд этиш мумкин. **(Қарсаклар).**

Азиз дўстлар, ана шу ва бошқа шунга ўхшаш янги ишлар сизларнинг мададингизга, сизларнинг ғайратингизга, сизларнинг ёшлик шижоатингизга муҳтож! **(Қарсаклар).**

Комсомол ҳамиша азим совет қурилишларига забардаст оталиқ қилиб келган. Бу ажойиб анъана давом этмоқда. Аммо қурилишларимизнинг ўзи кўп жиҳатдан бошқача бўлиб қолди. Ҳозир улар алоҳида улкан қурилишларгина бўлиб қолмай, балки бутун бир катта географик районлардир.

Шу ўринда мазкур районлардан фақат биттасига тўхталиб ўтаман. Ватан келажаги учун унинг аҳамияти кун сайин ошиб бормоқда. Гап Ғарбий Сибирь, аниқроғи Тюмень тўғрисида бораяпти.

Атиги ўн йил мобайнида биз бу тайга ўлкасини мамлакатнинг асосий нефть базасига айлантирдик. Ҳозир у ерда қудратли газ ва химия индустрияси кенг кўламда барпо этилмоқда. Ҳозир Тюмень областининг манзараси учун ўрмон ва буғу сўқмоқлари эмас, балки навқирон шаҳарлар, нефть ва газ конлари, заводлар, темир йўллар автомобиль магистраллари характерлидир. Кўламларни айтмайсизми? Шуни бир ўйлаб кўринг, ўртоқлар: Обь дарёси соҳилида бир миллион квадрат километрлик территория иқтисодий жиҳатдан ўзлаштирилиб, гавжум қилинмоқда. Бу — тахминан Испания, Италия ва Англиянинг жами майдонини бирга қўшганда уларнинг ҳаммасига тенг келади. **(Қарсаклар).**

Ҳа, биз бу жойга дадиллик билан жуда катта маблағ сарфладик. Бу билан янглишмадик. Харажатларнинг ўрни тўлиб кетди. Ҳозир Тюмень Совет Иттифоқи нефтининг қарийб ярмисини ва газнинг кўп миқдорини бермоқда. Яқинда партия Марказий Комитети Ғарбий Сибирь нефтчиларини табриклади: улар Ватанга бир миллиард тонна нефть беришди. **(Қарсаклар).** Бу — катта меҳнат ғалабасидир. Шимолдаги «қора олтин» қазиб чиқарувчиларимизга шон-шарафлар бўлсин! **(Давомли қарсаклар).**

Тюмендаги запаслар билан биз ҳали кўп йиллар яшаймиз. Яқин ўн йил мобайнида биз нефть, газ қазиб олишни ҳамда ундан ишлаб чиқариладиган қимматли химиявий хом ашёни кўпайтиришнинг асосий қисмини айни Тюмень ҳисобига олишни мўлжаллаб турибмиз. Шу муносабат билан Ғарбий Сибирни ривожлантиришнинг янги, янада мураккаб босқичи бошланмоқда, тўғрироғи эса ҳозирнинг ўзидаёқ бошланиб кетди. У ердаги ҳамма ишларнинг ҳажмини икки-уч ҳисса ошириш лозим. Бу эса янги моддий техникавий чиқимлар қилишни ҳам у ерга одамларнинг кўпроқ кўчиб боришини ҳам талаб қилади.

Ғарбий Сибирга комсомол нималар билан ёрдам бера олади? У ерда ҳозир ўн учта зарбдор комсомол қурилиши борлигини биламан. Шундай бўлса ҳам, сизлардан бу районга эътиборни кучайтиришингизни сўрайман.

Қурилишларга шунчаки ишчи қўллар керак эмас. У ерга муайян миқдорда қурувчилар, монтажчилар, шофёрлар, пармаловчилар, ўқитувчилар, бошқа ихтисос соҳиблари юборилиши керак. Ана шу мутахассислар зарур.

Ғарбий Сибирга «ҳужум» бошланган пайтдаёқ: унинг бойликларини қўл кучи билан эмас маҳорат билан, яъни энг янги техника ва технология ёрдамида оламиз, деган шиор ўртага ташланган эди. Бу соҳада бирталай натижаларга эришилди.

Қурилишнинг блок методини олиб кўрайлик. Дарвоқе, бу методни «Тюменгазмонтаж» трестининг ёш жонкуярлари, ишчилари ва инженерлари ишлаб чиқиб, жорий этдилар. Бунинг моҳияти шундан иборатки, кўпгина кон-қудуқ объектлари бошқа жойдаги корхоналарда, заводларнинг цехларида тўла-тўкис тайёрланиб сўнгра керакли жойга, ҳар қандай узоқ жойга блоклар ҳолида келтирилиб, монтаж қилинади.

Ҳисоб-китобларга кўра бу метод Сибирь конларини ишга туширишда меҳнат унумдорлигини тўрт баравар ошириш имконини беради. Бу эса минглаб ва ҳатто ўн минглаб ишчилар меҳнатини тежайди.

Кўриб турибсизларки бошқа жойларда меҳнат қилаётганлар ҳам Ғарбий Сибирни ўзлаштиришга ёрдам беришлари мумкин. Бунинг учун Тюмень буюртмалари бажарилаётган ҳамма жойда — Украина, Озарбайжон, Поволжье Москвада, мамлакатнинг барча бурчакларида Тюмень бўшлиқлари ва ер ости конларини камроқ меҳнат ресурслари сарфлаб забт этишга кўмаклашиш учун Тюмень заказларининг бажарилишини комсомоллар ўз оталиғига олишлари зарур.

Бошқа катта қурилишларда ҳам шу принципни қўллаш мумкин, деб ўйлайман. Бундай тажриба ҳозироқ мавжуд. Масалан, янги қурилишларнинг ҳамма буюртмаларини муддатидан илгари бажариш соҳасида ленинградликлар бошлаган ташаббусни кўрсатиш мумкин. **(Қарсаклар).** Шу ташаббусни ҳамма жойдаги ёшлар орасида ёйинглар, мамлакат қурилишларининг буюртмалари бажарилишини қатъий назорат остига олинглар, ўртоқлар. «Комсомол прожектори» ўз нури билан ҳеч кимнинг хотиржам бўлишига йўл қўймасин, шу буюртмаларнинг бажарилишини барбод қилаётганларнинг кўзини қамаштирсин. **(Қарсаклар).**

Энди қишлоқ хўжалигига ўтаман.

Биз партиянинг аграр сиёсатини амалга оширишда шубҳасиз, кўп натижаларга

(Давоми иккинчи бетда).

ЯШАШ ВА ИШЛАШНИ ЎРГАТАДИГАН КИТОБЛАР

РЕСПУБЛИКА ИДЕОЛОГИЯ АКТИВИНИНГ ЙИҒИЛИШИ

Ўрток Л. И. Брежневнинг «Кичик ер» ва «Тикланиш» асарлари мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида жуда муҳим воқеа бўлди. Республика идеология активининг 25 апрель куни Тошкентда бўлиб ўтган йиғилиши мана шу китобларнинг муҳокамасига ҳамда республика партия ташкилотининг меҳнаткашларини ғоявий-сиёсий ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш вазифаларига бағишланди.

Йиғилишда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўрток Л. И. Брежневнинг эсдаликлари матбуотда эълон этилганидан буён икки ойдан кўпроқ вақт ўтди, деди у. Шахсан ҳар биримизга, бизнинг хотираларимизга, виждонимизга ҳавола қилинган бу эсдаликлар совет кишисининг ҳаётига дарҳол сингиб, миллион-миллион кишиларнинг ғоятда севимли китобига айланиб қолди.

«Кичик ер» — чуқур ватанпарварлик руҳидаги китобдир. У жуда катта идеологик куч-қувват бағишлайди, совет кишисида юксак ватанпарвар — интернационалист фазилатларини тарбиялайди. Улуғ Ватан урушининг қаҳрамонларига тенглашишга, совет халқининг революцион, жанговар ва меҳнат анъаналарига чексиз садоқат руҳини сақлашга, ўзининг илҳомбахш меҳнати билан мамлакатнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини оширишга даъват этади. Ҳозир Леонид Ильич «Тикланиш» деган янги китобини ёзиб тугатди. Уни «Кичик ер»нинг давоми дейиш мумкин. Бу тўлқинлантирувчи асар «Новий мир» журналининг бешинчи сонида берилди. «Кичик ер» сингари бу китоб ҳам кишиларимизнинг фаровонлиги тўғрисида ғамхўрлик, социал оптимизм, совет халқининг бунёдкорлик кучига қаттиқ ишонч билан йўғрилган. Леонид Ильич совет жамиятининг синалган авангарди, ташкилотчиси ва илҳомбахш кучи — Ленин партиясининг улкан фаолиятини бутун улуғворлиги билан кўрсатиб беради. Леонид Ильич Брежневнинг китоблари Ватанни қандай севиш кераклигига, ленинчасига яшаш ва ишлашга ўргатади.

Йиғилишда сўзга чиққан Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони, генерал-полковник С. Е. Белоножко, ҳарбий кенгаш аъзоси — Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи сиёсий бошқармасининг бошлиғи, генерал-лейтенант Ь. С. Родин, Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг биринчи секретари К. Яшин, Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари М. Ф. Солдатов, Тошкент тепловоз-ремонт заводи электр слесарлар бригадасининг бошлиғи, Улуғ Ватан урушининг қатнашчиси Н. М. Железнов, Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг проректори 18-армия ветерани Н. И. Муратов, «Ташсельмаш» заводининг слесари М. Мўйдинов, Л. И. Брежнев асарларининг жуда катта аҳамияти тўғрисида гапирдилар. Бу асарлар партия омма ўртасида ташкилий ва сиёсий ишлар борасида орттирган тажрибалар хазинасини бойитади. Леонид Ильич айтган фикрлар ҳозирги шароитларда мана шу ишлар мазмуни, шакли ва методларини кенгроқ ва чуқурроқ очиб беришга ёрдам беради идеология ходимлари учун конкрет дастуруламал ҳисобланади.

Йиғилиш қатнашчилари республика партия ташкилотларининг меҳнаткашларни ғоявий-сиёсий ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасидаги вазифалари тўғрисида гапириб шу муҳим ишни комплекс ҳолда, ҳаёт билан чамбарчас алоқада олиб бормоқ зарур, деб таъкидладилар.

Актив йиғилиши ўрток Л. И. Брежнев асарларини ўрганиш ва пропаганда қилиш юзасидан тавсиялар қабул қилди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўрток Л. И. Брежнев номига якдиллик билан қабул қилинган мактубда республика партия ташкилотлари, барча коммунистлари бундан буён ҳам омманинг актив ташкилотчилари ва тарбиячилари бўлиб қолавередилар, деб қаттиқ ишонч билдирилди.

Йиғилиш ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлар И. Г. Анисимкин, Л. И. Греков, М. М. Мусахонов, О. У. Салимов, А. А. Хўжаев, Н. Ж. Худойбердиев, Н. Маҳмудов, С. У. Султонова, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. С. Абдалин, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Р. Х. Абдуллаева, М. Д. Мухортов, М. Т. Турсунов, А. Р. Хўжаев қатнашдилар. (ЎзТАГ).

Шаҳар индустрияси рапорти

ТЎРТ ОЙЛИК ПЛАН БАЖАРИЛДИ

БУГУН

Тошкент саноат корхоналарининг коллективлари асосий маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва реализация қилиш тўрт ойлик давлат плани бажарилганлиги ҳақида рапорт беришди.

Ўзбекистон пойтахтининг меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг Сибирь ва Узоқ Шарқ районлари партия хўжалик активларида бўлган суҳбатлар ва меҳнаткашлар билан учрашувлар пайтида асосий эътиборни 1978 йил учун қабул қилинган планлар ва социалистик мажбуриятлар, умуман беш йилликни бажаришга сафарбар қилиш кераклиги ҳақидаги кўрсатмаларини ҳаракат программаси деб қабул қилишди.

Шаҳар индустриясининг меҳнат муваффақиятлари шунингдек, Ўзбекистон ССР янги Конституциясининг муҳокамаси ва қабул қилиниши муносабати билан вужудга келган юксак меҳнат ва сиёсий кўтаринкилик, социалистик мусобақа таъсирчанлигининг ошганлиги, илмий-техника тараққиётини тезлаштириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун олиб борилаётган изланишлар туфайли қўлга киритилди. Шаҳар меҳнаткашлари ўзларининг бутун куч ва иродаларини, изланишларини КПСС XXV съезди қарорларини амалга оширишга сарф қилишмоқда.

Меҳнат муваффақиятига Ленин, Ҳамза, Чилонзор, Октябрь ва бошқа районларнинг меҳнат коллективлари муносиб ҳисса қўшишди. Улар бириннчилардан бўлиб тўрт ойлик топшириқни муддатидан олдин бажардилар.

Апрель ойининг охирига қадар шаҳар саноати планга қўшимча ўнлаб миллион сўмлик саноати маҳсулоти ишлаб чиқаради ва реализация қилади.

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ НУТҚИ

(Боши биринчи бетда).

эришдик. Бироқ, совет кишиларининг ўсиб бораётган эҳтиёжларини, саноат талабларини кўнгилдагидек қондириш учун ҳали кўп иш қилиниши керак. Бизнинг жорий планларимиз, шунингдек ҳозир партия ишлаб чиқаётган янги лойиҳалар шу мақсадларни кўзлайди. Қишлоқ хўжалигининг ва аввало чорвачиликнинг самарадорлигини юксалтириш — энг муҳим вазифадир.

Очиғини айтсам, ёшларнинг актив иштирокисиз бу вазифани ҳал этиш қийин.

Бу ўринда қишлоқ ёшлари жуда муҳим роль ўйнайдилар, албатта. Улар совет қишлоғининг келажаги, тимсолидирлар ва кўп жиҳатдан унинг ҳозирги аҳволини ҳам белгилаб турибдилар. Эндиликда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришимизни машиналарсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шу боисдан ҳам биз комсомолнинг «Қишлоқда яшайсанми, техникани билиб ол!», деган шиорига принципиал аҳамият берямиз. Қишлоқ йигит ва қизлари техникани ҳақиқатан ҳам оммавий равишда ўрганадиган бўлишлари керак.

Қишлоқларимизнинг қиёфаси ўзгариб бормоқда. Кейинги 13 йил ичида қишлоқларда жами саҳни 450 миллион квадрат метр келадиган уй-жой бинолари қурилди. Бу — оз эмас, ўртоқлар. СССР шаҳарларининг жами уй-жой фонди урушгача ана шу миқдордан ошмас эди. Кўпчилиги шаҳарлардагидан қолишмайдиган маданият уйлари, савдо марказлари, ошхоналар қишлоқларнинг ҳуснини безаб турибди. Бас, шундай экан, ёшлар, комсомоллар шу ўзгаришларнинг бош ҳаракатлантирувчи кучи бўлишлари, янги техникани бошқаришлари, замонавий қишлоқларни қуришлари, у ерда юксак маданиятни қарор топдиришлари керак! **(Қарсаклар).**

Қишлоқда қолишга буйруқ билан мажбур қилиб бўлмайди, албатта. Қишлоқда яшаш ва меҳнат қилиш учун яхши шарт-шароит яратиш, деҳқон меҳнатини ҳурмат қилиш, жонажон табиатга, она-ерга меҳр қўйиш, унга ўз кучини сарфлаш маҳорати ва истагини тарбиялаш — ёш авлодни дала ва фермаларда ишлашга жалб қилиш соҳасидаги бизнинг методимиздир.

Кострома области мактабларини битириб чиқувчиларнинг ташаббусини эслатиб ўтмоқчиман. Улар қишлоқда меҳнат қилиш истагини билдиришди. Сизлар билан учрашувга ҳозирлик кўрар эканман, улар ҳозир қандай яшаётганликларини суриштирдим. Кечаги ана шу мактаб ўқувчилари яхшигина ғаллакорлар, чорвадорлар, механизаторлар бўлиб етишганликларини, ажойиб, олижаноб ишда ўз бахтларини топганликларини менга хабар қилишди. Улар фермаларда ёшлар коллективларини тузишибди, янги касбларни эгаллаб олишибди. Кўплари ўқишни давом эттиришмоқда. Улуғ Ватанимизнинг турли жойларида уларнинг ўн минглаб издошлари бор.

Партия ўз тақдирини қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг улуғвор программаси билан боғлаган йигит ва қизларга ташаккур айтади ва уларнинг ташаббусини юксак қадрлайди. Бу ёшлар учун яхши намунадир. **(Давомли қарсаклар).** Ўйлайманки, бундан буён ҳам бу намунага тақлид қилувчилар топила беради. **(Қарсаклар).**

Комсомоллар партиянинг РСФСР Ноқоратупроқ зонаси қишлоқ хўжалигини равнақ топдириш тўғрисидаги қарорини амалга оширишга кўмаклашиш борасида қилаётган иш жуда катта аҳамиятга эгадир. Ана шу зарбдор ёшлар қурилишида Ленин комсомоли байроғини бундан буён ҳам баланд кўтарингиз дўстлар! **(Давомли қарсаклар).**

Шу кунларда мамлакат далаларида кўкламги дала ишлари қизғин тус олган. Қишлоқ ёшларига, колхоз ва совхозларнинг барча меҳнаткашларига бу ишларни юксак даражада, сифатли ўтказишларини, улар ташлаган уруғлар дуркун униб чиқишини, энг муҳими эса мўл ҳосил етиштириб, халқни қувонтиришларини тилашга ижозат бергайсизлар. **(Қарсаклар).**

Қишлоқ проблемалари тўғрисида гапирганда шаҳар ёшларига ҳам мурожаат қилмоқчиман. Эндиликда ҳосилдорлик ва фермаларнинг маҳсулдорлигига шаҳарларда ҳам замин яратиляпти. Деҳқон ва чорвадор меҳнатининг пировард натижаси кўп жиҳатдан ишчининг меҳнатига боғлиқ. Бунинг маъноси шуки, ёш шаҳарликлар бу соҳада муҳим роль ўйнашлари мумкин. Улар қишлоқни зарур нарсаларнинг ҳаммаси билан — техника ва ўғит, қурилиш материаллари, чорвачилик асбоб-ускуналари билан пухта таъминлаш учун бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, шунингдек қишлоқ қурилишига ёрдам бериб, шу тариқа катта иш қилган бўлур эдилар.

Яна бир муҳим вазифа бор, ўртоқлар. Экономикамиз юксалган сайин ва совет кишиларининг фаровонлиги ўсган сайин уларнинг ҳаётида савдо ва маиший хизмат сингари ижтимоий фаолият соҳалари тобора катта аҳамият касб этмоқда. Бу соҳалар одамларнинг кайфияти ва сиҳат-саломатлиги учун демакки, уларнинг муваффақиятли меҳнат қилиши учун ҳам нақадар зўр аҳамиятга эга эканлиги тўғрисида илгари ҳам гапирган эдим. Эҳтимол буни ҳар бир киши ўз тажрибасидан билади. Шундай бўлса ҳам айни шу соҳалардаги ишимизда ҳамон кўпгина, баъзан ҳатто чидаб бўлмайдиган камчиликлар борлигини ўзларингиз биласиз, албатта. Бунга ҳам моддий, ҳам ташкилий ва ҳам маънавий характердаги турли-туман камчиликлар сабаб бўлмоқда. Аммо бир нарса равшан: тартиб ўрнатиш керак. **(Қарсаклар).**

Ўйлайманки, комсомол савдо-сотиқ ва маиший хизмат соҳасини ўзининг доимий ва синчков оталигига олиши лозим. Бу соҳага самарали оталиқ қилинглар. Ишларнинг аҳволини чуқурроқ ўрганинглар, янги одамлар билан ҳам, ҳозир бу соҳада ишлаб турганларни тарбиялаш билан ҳам, жамоатчилик фикрини сафарбар қилиш билан ҳам, хўжалик маъмурий органларга мурожаат қилиб кўрсатиладиган ташаббуслар билан ҳам ёрдам беринглар. Менимча бу фойдали иш бўлур эди. Шу ишни ўз қўлларингизга олинглар, дўстлар! **(Давомли қарсаклар).**

Хуллас, ишлар кўп, юмушлар етарли ўртоқлар. Эҳтимол баъзи бировлар: бизнинг олдимизга ҳаддан ташқари кўп вазифалар қўяпсиз, деб ўйлаётгандирлар. Аммо сиз, комсомоллар энди сал кам 38 миллион кишисизлар, ахир. Бу нақадар катта куч. **(Давомли, гулдурос қарсаклар).** Сизлар ҳамма ишни уддалашингиз лозим. **(Қарсаклар).**

Ҳозирги энг зарур вазифа — бу йилги планни бажарибгина қолмай ошириб бажаришдан ҳам иборат. Бу умуман беш йилликни бажариш учун ғоят муҳимдир. Ҳозир партия, совет ва хўжалик органларининг, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг, барча меҳнаткашларнинг куч-ғайратлари шунга қаратилиши керак. Бу соҳада жуда кўп нарса сизларга — ёшларга боғлиқ. Биз ҳам сизларнинг бўш келмасликларингизга ишонамиз. **(Давомли қарсаклар).**

II.

Азиз ўртоқлар! Ҳамма режаларимизнинг амалга оширилиши пировард натижада одамларга, уларнинг билими, маданияти, сиёсий онглилигига боғлиқ.

Жамиятнинг ривожланиш қонунлари тўғрисидаги марксча-ленинча таълимот — бизнинг коммунизм йўлидаги бош компасимиздир. Ана шу революцион фанни чуқур ва мунтазам ўқиб олишнинг аҳамияти бениҳоя зўр. Айрим ҳақиқатлар ва таърифларни шунчаки ёдлаб олиш керак эмас, балки бу фанни онгли равишда, зеҳн қўйиб ўзлаштириш муҳимдир. Назарияни билиш эътиқодга айланган иш билан мустаҳкамланган тақдирдагина унинг қадр-қиммати бўлади. Бошқача қилиб айтганда, ҳар бир ёш ленинчи партия сиёсатини амалда татбиқ этишга ва душман идеологиясига қарши муросасиз кураш олиб боришга қодир бўлган актив сиёсий жангчи бўлиши керак. **(Қарсаклар).**

Партия билан комсомол ёшларни ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга катта эътибор бермоқдалар. Жамиятга зид кўринишларга, маънавий қашшоқликка ва унинг муқаррар йўлдошлари бўлмиш ичкиликбозликка, безориликка меҳнат интизомини бузишларга қарши доимо ва сабот-ли курашмай туриб, коммунистик ахлоқ нормалари ва принципларини қарор топтириб бўлмайди. Яширин, бир қарашда ҳамиша ҳам сезила бермайдиган ахлоқсизлик кўринишлари ҳам жуда хатарлидир. Бепарволик, текинхўрлик, беодоблик, жамиятга камроқ бериб, кўпроқ даъво қилиш сингари ахлоқсизлик нишонлари комсомолнинг ва бутун жамоатчиликнинг ҳам диққат-эътиборидан четда қолмаслиги керак.

Халқнинг турмуш даражасини ошириш тўғрисида ғамхўрлик қилиш — партия ички сиёсатининг марказий йўналишидир. Бунда биз одамлар турмушининг моддий даражасини ҳам, маданий даражасини ҳам ўстиришни назарда тутамиз. Буларнинг бирини иккинчисидан ажратиб бўлмайди.

Биз камбағаллик ва аскетизмни тарғиб қилишни ҳам, шунингдек истеъмолчиликка берилишни, Горькийнинг кайроқи ифодаси билан айтганда, бир тийинни ўз осмонидаги офтоб деб билувчи мешчаннинг психологиясини ҳам рад этамиз. Моддий неъматлар биз учун шунчаки бир мақсад эмас, балки инсон шахсини ҳар тарафлама камол топтиришнинг шарт-шароитидир. Шу боисдан ҳам фаровонликни юксалтириш билан бирга одамларнинг ички дунёсини бойитиш, ҳаёт мақсади ва маъносини тўғри тушунишни шакллантириш муҳимдир.

Совет кишилари, шу жумладан, албатта, ёшларнинг ҳам билим ва маълумоти юксак даражада эканлиги тарбиявий иш услубига нисбатан ҳам талабни жиддий равишда оширади.

Бу ўринда бефарқлик ва расмиятчилик кўринишларига айниқса тоқат қилиб бўлмайди. Идеология фронтининг барча ходимлари ҳамон баъзи жойларда барҳам топмаган оддий ҳақиқатларни ўйламай-нетмай механик тарзда такрорлай бериш практикасини, дабдабабозликни тугатадиган пайт келди. Одамлар билан оддий, тушунарли тилда гаплашишни, ҳар бир иборага жонли фикр ва ҳис-туйғуларни қўшиб ёзишни одат тусига киритадиган пайт келди. Бу ҳам коммунизм қурилишининг янги инсонни тарбиялашдек муҳим участкасидаги сифат ва самарадорлик масаласидир.

Партия билан комсомол жамиятимизнинг ёш гражданларини совет Ватанининг содиқ ўғил ва қизлари, коммунизм иши учун матонатли курашчилар қилиб тарбияламоқдалар. Бу фазилатлар миллион-миллион кишиларнинг катта-катта ишларида рўёбга чиқмоқда, Ватан қудратини ва халқ фаровонлигини кўпайтирмоқда.

Яқиндагина, Урал, Сибирь ва Узоқ Шарққа қилган сафарим вақтида ана шу бадавлат, аммо ҳали кўп жиҳатдан қийинчиликлар мавжуд бўлган ўлкаларда нақадар ажойиб кишилар меҳнат қилаётганлигини, у ерларда нақадар ажойиб ёшлар ишлаётганлигини ўз кўзим билан кўриб, яна бир бор зўр мамнуният билан ишонч ҳосил қилдим. Айтиш мумкинки, ёшлар ана шу жойлар иқлимини ўзларининг садоқатли қалблари ҳарорати билан иситмоқдалар. **(Давомли, гулдурос қарсаклар).**

Станциялардан бирида Байкал — Амур магистралининг бир группа ёш қурувчилари билан ва Комсомольск-Амур шаҳрининг ёшлари билан бўлган учрашувлар айниқса эсимда қолди. Улар ажойиб йигит ва қизлар эди. Улар ўз ишлари ўз турмушлари ҳақида омилкорлик билан, ишнинг кўзини билиб ва айни вақтда завқ-шавқ билан гапиришди. Уларнинг нигоҳи келажакни кўзлаб турарди. Уларнинг сўзларини эшитиб туриб машҳур қўшиқдаги: «Биз замон ва маконни забт этамиз, биз ернинг ёш эгаларимиз» деган сатрлар хотирамга келди. **(Давомли қарсаклар).**

Шонли Қуролли Кучларимизнинг сафларида ҳам совет кишиларининг ажойиб фазилатлари намоён бўлди. Бу ерда ёшлар ҳақиқий чиниқиш сабоғини олмоқдалар. Бу ерда улар уюшқоқлик интизомнигина ўзлаштириб қолмай, шу билан бирга юксак онглилик фидокорлик, баъзан эса ҳақиқий қаҳрамонлик намуналарини ҳам кўрсатмоқдалар. **(Қарсаклар).**

Мен Шарққа қилган сафарим вақтида чегараларимизни қўриқлаш қандай йўлга қўйилганлиги билан ҳам у ерда ўзининг енгил бўлмаган хизматини ўтаётганлар билан — армиямизнинг, Ҳарбий-Денгиз Флотимизнинг, чегара қўшинларимизнинг шонли жангчилари билан ҳам танишдим. Бир гапни айтмоқчиман, ўртоқлар: Ватан чегаралари ҳар қандай тасодифлардан мустаҳкам қўриқланмоқда, уни ҳимоя қилиш иши тажрибали, ишончли қўлларга топширилган. **(Давомли қарсаклар).** Бинобарин, ишонтириб айта оламанки, Советлар мамлакатининг тинчлиги ва осойишталигини қўриқлаб турган йигитлар ўзларининг юксак вазифасини шараф билан бажаришлари учун зарур бўлган ҳамма нарсаларга эгадирлар. **(Давомли қарсаклар).**

Ўртоқлар! Халқларнинг қардошлик оиласида ўсиб вояга етган, марксизм-ленинизм ғоялари асосида тарбияланган совет кишилари ўз табиатларига кўра интернационалистдирлар. Уларнинг ҳозирги ишларида интернационалистик анъаналар, эҳтимолки, ҳар қачонгидан ҳам кенгроқ, хилма-хилроқ намоён бўлмоқда, дейиш мумкин. Бошқа кўп ишларда бўлганидек бу ишда ҳам ёшлар олдинги сафларда бормоқдалар.

Ҳозир Ленин комсомолининг намояндалари дунёнинг юздан ортиқ давлатида меҳнат қилмоқдалар. Европадаги социалистик мамлакатларда ва олис Кубада, Саҳройи Кабирнинг жазирама қумликларида ва Жануби-Шарқий Осиё чангалзорларида, Ҳиндистонда ва араб Шарқида, ер куррасининг жуда хилма-хил районларида Ватанимизнинг минглаб ўғил ва қизлари олижаноб вахтада турибдилар — заводлар, электростанциялар қурмоқдалар, табиат хазиналарини очишда ёрдам бермоқдалар, беморларни даволамоқдалар ва болаларни ўқитмоқдалар. Кўпинча уларнинг меҳнати — шовқин-суронсиз ва мақтовларсиз, ҳақиқий, беғараз фидокорона жасоратдир. **(Қарсаклар).** Тинчлик ва тараққиёт йўлидаги, халқлар қардошлиги ва дўстлиги йўлидаги жасоратдир. **(Қарсаклар).** Ватанимизнинг обрў-эътиборини янада баланд кўтарадиган, бизнинг социалистик тузумимиз тўғрисидаги, совет кишиларининг коммунистик ахлоқи ва идеаллари ҳақидаги ҳақиқатни тушунишга ёрдам берадиган жасоратдир. **(Қарсаклар)**

Халқимизнинг ана шу муносиб намояндаларига чин кўнгилдан раҳмат айтамиз, ўртоқлар. Улар партиямизнинг, Совет давлатимизнинг тинчликсевар ленинча сиёсатини амалга оширишда ёрдам бермоқдалар. Владимир Ильич Ленин ниҳоятда муътабар деб билган амалдаги интернационализмни кун сайин рўёбга чиқармоқдалар.

Пролетар социалистик интернационализм — бизнинг буюк кучимиздир. У — эътиқодларимизнинг самараси ва қалб қўримиздир. У — бизнинг байроғимиздир. Пролетар, социалистик интернационализмга ҳамиша содиқ бўлинглар, азиз дўстлар!

III.

Ўртоқлар! Оталарингизнинг ёшлиги солдатлик шинелида Улуғ Ватан урушининг фронт йўллари бўйлаб ўтди. Бу ҳақиқатан ҳам «шон-шуҳрат учун эмас, ер юзида ҳаёт учун қилинган жанг бўлди». **(Қарсаклар).** Орадан неча ўн йиллар ўтди. Энди мамлакат аҳолисининг ярмидан кўпроғи уруш, унинг машаққатлари ва азоб-уқубатлари нималигини кексаларнинг гапларидан, китоблардан ва кинофильмлардангина билади. Аммо ҳозир ҳам ер юзида ҳаёт учун жанг бошқача шароитларда давом этмоқда. Мустаҳкам, барқарор тинчликни таъминлаш — ташқи сиёсатимизнинг, унинг тинч-тотув яшаш, халқаро кескинликни юмшатиш сингари энг муҳим принципларининг мақсадидир.

Ҳозир кескинликни юмшатиш — назария эмас, шиор эмас, шунчаки эзгу тилак эмас. Кескинликни юмшатиш туфайли мутлақо конкрет ва кўриниб турган бир талай яхши ишлар рўёбга чиқди. Европада кескинликни юмшатиш давлатларнинг ўзаро муносабатларига асос қилиб олинди, улар ҳаётининг турли жиҳатларини қамраб олди. Совет — Америка муносабатлари ҳам барча вақтинчалик иккиланишларга қарамай, энди тинчлик иши учун янгича, анча қулай тарзда намоён бўлмоқда. Халқлар кескинликни юмшатиш йўлини бизнинг қийин давримизда бирдан-бир оқилона йўл деб тан олиб, қўллаб-қувватламоқдалар.

Уруш хавфини янада камайтиришга эришиш, қурол-яроғларнинг кўпайишини тўхтатиш — шу кунлардаги энг муҳим, энг зарур вазифадир. Буни ҳамма халқлар сезиб турибдилар, кўпчилик ҳукуматлар тан олмоқдалар. Яна бир неча ҳафтадан сўнг БМТ Бош Ассамблеясининг тарихда биринчи марта қурол-яроғларни чеклашга, қуролсизланишга махсус бағишланган сессияси очилиши ҳам ана шундан дарак беради. Биз сессияга муваффақиятлар тилаймиз ва бунга актив кўмаклашамиз.

Биз ялписига ва тўла қуролсизланиш тарафдоримиз. Шу проблема юзасидан деярли 20 йилдан бери ўтказилаётган музокаралар боши берк кўчага кириб қолганлиги учун биз айбдор эмасмиз. Бироқ, шу вақт ичида ҳар ҳолда айрим соҳалардаги қурол-яроғларни чеклаш тўғрисида битимлар тузилди. Бир қанча масалаларга доир музокаралар давом этмоқда. Янги жаҳон уруши чиқиши ва одамларнинг ядро қуроли ёрдамида оммавий қирилиши хавфини камайтириш — бизнинг ҳозирги замон шароитида тинчлик учун олиб бораётган курашимизнинг марказий йўналишидир. Шу мақсадда Совет Иттифоқи бир қанча катта-катта тадбирларни кўрмоқда. Стратегик ҳужум қурол-яроғларини чеклаш тўғрисида Қўшма Штатлар билан ўтказилаётган музокаралар шу тадбирларнинг биридир.

Ўзларингизга маълумки, яқиндагина президент Картернинг топшириғи билан АҚШ давлат секретари Вэнс Москвага келиб кетди. У билан батафсил фикрлашиб олинди. Натижада стратегик қурол-яроғларни чеклашга оид битимни тайёрлаш ишининг бирмунча олға силжитишга муваффақ бўлинди. Ҳали ҳамма масалалар ҳам ҳал этилган эмас. Америка томонининг баъзи позицияларига биз асло қўшила олмаймиз. Аммо, ўйлайманки, иккала томоннинг куч-ғайратлари билан оқилона, реалистик келишув негизида иккала давлат хавфсизлиги манфаатларини одилона ҳисобга оладиган битимни узил-кесил ишлаб чиқса бўлади. Бу битим қуролланиш пойгасини анча тийиш имконини беради, бинобарин, тинчликни мустаҳкамлашга кўмаклашади.

Неча йилдирки, Совет Иттифоқи ядро қуроли синовларини ёппасига ва батамом тақиқлаш тўғрисида битим тузилишига ҳаракат қилиб келмоқда. Ҳозир биз ҳамма жойда (яъни ер остида ҳам) синовларни тақиқлаш тўғрисида АҚШ ва Англия билан музокаралар олиб боряпмиз. Шу музокараларда кейинги вақтларда муайян равишда олға силжишлар бўлганлигини мамнуният билан айта оламиз. Иш пировардигача етказилади ва яқин келажакда тегишли шартнома имзоланади, деб умид қилишни истаймиз. Бу кишилар тинчлиги ва хавфсизлиги йўлидаги курашда сезиларли муваффақият бўлади.

Совет Иттифоқи планетамизнинг бошқа тинчликсевар кучлари билан биргаликда оммавий қирғин қиладиган янги, айниқса ғайриинсоний восита — нейтрон қуроли яратилишига йўл қўймаслик учун зўр ғайрат билан ҳаракат қилмоқда. Бизнинг бу масаладаги позициямиз жуда содда ва қатъий: вақт ғаниматида шу қуролни ишлаб чиқаришдан ўзаро воз кечиш тўғрисида тегишли давлатлар бир битимга келсинлар, деймиз. Инсоният унинг пайдо бўлишидан абадул-абад халос этилсин.

Афсуски, нейтрон бомба яратишга ҳозирлик кўриб қўйган Қўшма Штатлар ҳозирча бизнинг таклифимизга рози бўлгани йўқ. Бироқ, яқинда президент Картер нейтрон қурол ишлаб чиқара бошлаш тўғрисида узил-кесил қарор қабул қилишни кечиктирганлигини айтди. Бу — масалани кун тартибидан олиб ташламайди, албатта. Буни энг яхши ҳолда ҳам чала чора деса бўлади. Бироқ, мен шуни маълум қила оламанки, президентнинг ана шу баёнотини инобатга олиб агар Қўшма Штатлар нейтрон қурол ишлаб чиқаришга киришмасалар, биз ҳам уни ишлаб чиқаришга киришмаймиз. Бундан буёнги гап Вашингтонга боғлиқ...

Совет Иттифоқи ядро уруши хавфини камайтиришга қаратилган ўзининг принципиал йўлига мувофиқ Лотин Америкасида ядро қуролини тақиқлаш тўғрисидаги халқаро шартномага тегишли шаклда қўшилиш тўғрисида ҳам қарор қабул қилди. Шу тариқа ядро қуролига эга бўлган бошқа давлатлар сингари биз ҳам Лотин Америкаси давлатларининг ядро қуролига шерик бўлишига имкон бермаслик, шунингдек шартномада қатнашувчи давлатларга нисбатан бу қуролни қўлланмаслик мажбуриятини ўз зиммамизга оламиз.

Хуллас, кўриб турибсизларки, ўртоқлар: тинчлик фойдасига қилинаётган иш давом этмоқда ва бизнинг Ватанимиз шу мақсадда янгидан-янги куч-ғайратлар сарфламоқда. **(Давомли, гулдурос қарсаклар).**

Биз менинг яқинда ГФРга қиладиган визитим ҳам иккала мамлакатимизнинг кенг миқёсдаги ўзаро манфаатли бундан буёнги ҳамкорлиги истиқболларини белгилаб олишгагина ёрдам бериб қолмасдан (шундай қилинишининг ўзи ҳам муҳим), шу билан бирга айниқса Европада кескинликни юмшатиш ва ялпи тинчликни мустаҳкамлаш ишига хизмат қилишига ҳам интиламиз.

Кейинги вақтларда НАТО мамлакатларида кескинликни юмшатиш ва қуролсизланиш душманлари, ана шу сиёсатбоз генераллар ва урушқоқ сиёсатчиларнинг ҳаммаси Варшава Шартномаси давлатларининг Европадаги НАТО блоки устидан ҳарбий устунлиги хатарли даражада гўё кучайиб кетганлиги хусусидаги уйдирмаларни, гўё Совет Иттифоқининг Европадаги қандайдир агрессив ниятлари ва шу сингарилар ҳақидаги уйдирмаларни тарқатиб, ташвиқотчилик шовқин-суронини кучайтирдилар ва давом эттирмоқдалар. Буларнинг ҳаммаси — бўлмағур гаплар, албатта. Аммо беозоргина бўлмағур гап эмас, балки заҳарли гапдир, чунки у ҳақиқатан ҳам хатарли ва потенциал жиҳатдан агрессив ҳаракатларни оқлайдиган ва яширадиган: «қуролланиш пойгасини янги поғонага кўтариш учун, ҳарбий кучларни кўпайтириш учун, халқаро муҳитни даҳшат, гумонсираш ва душманликнинг оғу тарқатувчи буғларини кўпайтириш учун хизмат қилади.

Иккинчи жаҳон урушида бошқа ҳамма давлатдан кўра оғирроқ азият чеккан Совет Иттифоқи Европадаги тинчлик энди ҳеч қачон бузилмаслигини, Европа абадий мустаҳкам тинчлик ва тинч ҳамкорлик қитъаси бўлиб қолишини ўзга ҳар қандай давлатдан кўра кўпроқ хоҳлайди. Зотан, бизнинг мамлакатимиз бунинг учун бошқа ҳар қандай давлатдан кўра кўпроқ иш қилди. **(Давомли, гулдурос қарсаклар).**

Неча йилдирки, биз Венадаги музокараларда Европадаги Ғарб ва Шарқнинг ҳарбий кучлари даражаси томонлардан бирортасининг хавфсизлигига зарар етказмасдан анча камайтирилишига ҳаракат қилиб келяпмиз, аммо ҳозирча Ғарбнинг кучлар нисбатини ўз фойдасига ўзгартириш йўлидаги уринишларигагина дуч келиб турибмиз. Тўғри, яқинда Ғарб мамлакатлари Венада бирмунча янгиланган таклифлар киритишди. Бу таклифларда гарчи бир томонлама ёндашишнинг умумий асоратлари яққол сақланиб қолган бўлса ҳам, социалистик давлатларнинг мулоҳазалари бир оз ҳисобга олинган. На илож, ишни давом эттираверамиз. Биз ўзаро мақбул қарорларга келиш учун, дунёнинг уруш хавфи айниқса катта ва хатарли бўлган районида ҳарбий кескинликни бўшаштириш учун ўзимизга боғлиқ бўлган ҳамма ишларни қилишга тайёрмиз. **(Қарсаклар).**

Ҳамма билиб қўйиши керакки, Совет Иттифоқининг Европада ҳеч қандай агрессив режалари йўқ ва у Ғарбга қарши ҳаракат қилиш учун ҳеч қандай «зарбдор мушт» тўплаётгани йўқ, балки, аксинча, кескинликни камайтириш ва бир битимга келишга кўмаклашиш учун ҳамма ишни қилиб келди ва қила беради. НАТО мамлакатларидан фарқли ўлароқ биз Марказий Европадаги ўз қуролли кучларимизни анчадан бери кўпайтираётганимиз йўқ ва бундан буён ҳам бу кучлар ёнига бир солдат ҳам, бир танк ҳам қўшиш ниятида эмасмиз, — шуни бутун куч билан таъкидлаб ўтмоқчиманки — бундай қилмоқчи эмасмиз. **(Қарсаклар).**

Биз Ғарб давлатларини ҳам ана шу яхши ибратдан ўрнак олишга чақирамиз.

Империалистик пропаганда Совет Иттифоқи ташқи сиёсатининг маъноси ва мақсадини бузиб кўрсатишга уриниб, гўё мамлакатимизнинг кескинликни юмшатиш, тинч-тотув яшаш йўлимиз билан мустамлакачилик зулмидан халос бўлган давлатларга нисбатан муносабатларимиз ўртасида қандайдир зиддият бор, деб даъво қилмоқда. Гўё Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар ёш давлатларнинг ишларига аралашмоқда, деб кўрсатишга уринмоқдалар. Ҳатто «экспансия сиёсати» ва «кескинликни кучайтириш»да айблашга ҳам бориб етмоқдалар. Ана шуларнинг ҳаммаси ҳақиқатга мутлақо тўғри келмайдиган қуп-қуруқ уйдирмадан бошқа нарса эмас, албатта.

Биз бу мамлакатлар билан тўла тенг ҳуқуқлилик асосида дўстона ҳамкорликни ривожлантиришни хоҳлаймиз. Биз уларнинг мустақиллигини, уларнинг тинчлик ва социал тараққиёт йўлидан ривожланишини қўллаб-қувватлаймиз. СССР бошқа ҳамма давлатларга нисбатан бўлганидек, бу давлатларнинг ҳам суверенитети қатъий ҳурмат қилиниши учун, уларнинг ички ишларига аралашмаслик, уларнинг чегаралари дахлсизлиги учун қатъият билан курашиб келмоқда. **(Қарсаклар).**

Империалистик давлатлар эса озодликка эришган мустақил давлатларнинг ишларига ошкора ёки сал-пал ниқобланган ҳолда доимо аралашиб келмоқдалар. Уларнинг тараққиёт йўлидан ривожланишига тўсқинлик қилиш учун аралашмоқдалар. Ўз монополияларининг ғаразли мақсадларини ёки ўз ҳарбий стратегларининг режаларини таъминлаш учун бу давлатларнинг суверенитетига хуруж қилмоқдалар.

Бундай аралашув, одатда, зўравонликка ва халқларнинг ҳуқуқларини поймол этишга олиб боради. Бу нарса муайян давлатларнинг, масалан, Чилида бўлгани каби ички ҳаётида ёҳуд Исроил ҳукмдорларининг сурбетлик билан қилган ҳаракатлари тариқасида ошкора ташқи агрессия шаклида намоён бўлмоқда.

Фактлар ёш давлатларнинг бирлиги ва бирдамлиги нақадар мустаҳкам бўлса, уларнинг социалистик дунё мамлакатлари билан дўстлиги нақадар мустаҳкам бўлса, бу давлатларнинг халқлари ўз мустақиллигини, ўз ҳаётий манфаатларини шу қадар муваффақиятлироқ ҳимоя қилиб, сақлаб қолишларидан далолат бериб турибди. Улар ўзларининг одилона ишларида социалистик дунё мамлакатларининг мададкорлигига таянишлари мумкин. **(Қарсаклар).**

Бу соҳада ҳам мисоллар кўп. Анголадаги халқ ҳокимиятини ағдариб ташлаш, революцион Эфиопияни парчалаб юбориш йўлида империализм ва унинг малайлари қилган уринишлари айни тараққийпарвар кучларнинг бирдамлиги туфайли барбод этишга муваффақ бўлинди.

Тинчлик, ички ишларга аралашмаслик, мустақилликни ва территориал бутунликни ҳурматлаш, тенг ҳуқуқлилик, ўзаро манфаатли ҳамкорлик — ана шуларнинг ҳаммаси кескинликни юмшатишнинг ва мустаҳкам тинчликнинг зарур ва энг муҳим элементларидир. Бизнинг Европадаги сиёсатимиз ана шундай. Африкада ҳам, Осиёда ҳам, Лотин Америкасида ҳам, дунёнинг ҳамма қисмларида ҳам сиёсатимиз ана шундай. Башарти бирон кимса туҳмат-уйдирмалар ва дўқ-пўписалар ёрдамида Совет Иттифоқини шу йўлдан тойдириш мумкин, деб ўйлаётган бўлса жуда қаттиқ янглишади. **(Қарсаклар).**

Ўртоқлар! Биз дунёдаги вазиятни таҳлил этиб, қатъий ишонч ҳосил қилдикки, **йирик ҳарбий потенциалга эга бўлган давлатларнинг қурол-яроғлари ва қуролли кучларини бундан буён миқдор ва сифат жиҳатидан оширишни тўла-тўкис тўхтатиш тўғрисида** ўйлаб кўриш ва шу тариқа келгусида уларни қисқартириш учун шарт-шароит яратиш вақти келди. Биз муайян чекланган давр мобайнида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш программасини муҳокама қилиш тўғрисида конкрет даъват билан мурожаат қиламиз:

— ядро қуролининг ҳамма турларини ишлаб чиқаришни тўхтатиш;

— оммавий қирғин қуролининг бошқа барча турларини ишлаб чиқаришни тўхтатиш ва шу қуролни тақиқлаш;

— катта вайрон қилувчилик кучига эга бўлган оддий қурол-яроғларнинг янги турларини яратишни тўхтатиш.

— Хавфсизлик Кенгаши доимий аъзолари бўлган давлатларнинг, шунингдек ҳарбий битимлар орқали улар билан боғлиқ бўлган мамлакатларнинг армияларини кенгайтиришдан ва оддий қурол-яроғларини кўпайтиришдан воз кечиш.

Бундай тадбирлар тўғрисида бир фикрга келиш осон иш эмас, албатта. Эҳтимол ишни бир чеккадан, масалан, биз илгари таклиф қилгандек ядро қуроли ишлаб чиқаришни тўхтатишдан бошлаш керакдир. Энг муҳими шуки, бу тадбирларнинг амалга оширилиши ҳозир давлатлар ўртасида вужудга келган кучлар нисбатини бузмаслиги бутун вазифани енгиллаштиради. Бу нарса ҳеч кимнинг манфаатига дахл қилмайди.

Дунё узра ҳамон ядро қуролини қўлланиш хавфи борлигини, халқлар бундан ўз тақдири учун хавфсираётганлигини унута олмаймиз, унутишга ҳаққимиз йўқ. Бу хавфни тугатиш учун барча ядро қурол-яроғига эга бўлган давлатлар биргаликда куч-ғайрат сарфлашлари кераклиги равшан. Аммо уларнинг ҳар бири ўз ҳиссасини қўшиши мумкин ва лозим. Совет Иттифоқи ўз томонидан мутлақо равшан қилиб айтадики: биз ядро қуроли қўлланилишига қаршимиз; фавқулодда ҳолатлардагина, ядро қурол-яроғига эга бўлган бошқа давлат томонидан бизнинг мамлакатимизга ёки унинг иттифоқчиларига қарши агрессия қилинган тақдирдагина биз ўз-ўзини ҳимоя қилишнинг ана шу энг охирги воситасини ишга солишга мажбур бўлишимиз мумкин. Совет Иттифоқи атом уруши чиқишига йўл қўймаслик учун, халқлар биринчи ва ундан кейинги атом зарбаларининг қурбонлари бўлмаслиги учун ҳамма ишни қилмоқда ва қила беради. Бу — бизнинг қатъий йўлимиздир ва биз шу йўлга мувофиқ ҳаракат қила берамиз. **(Давомли қарсаклар).**

Инсониятнинг фикри-зикри еримизни ардоқлаб асрашга, уни ядро ёнғини алангасида вайрон қилмай, бутун бойлиги ва кўркамлиги билан ёш авлодга топширишга қаратилиши лозимлигига ишончимиз комил. Совет Иттифоқи тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш учун ўз ихтиёридаги ҳамма чораларни кўради. Азиз ёш дўстлар, сизларнинг келажагингиз — тинч планетадаги эркин меҳнат нашидаси бўлишига ишонамиз. **(Давомли, гулдурос қарсаклар).**

* * *

Ўртоқлар! Сизларнинг съездингиз шонли сана бўсағасида тўпланди: шу йил кузида Бутуниттифоқ Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи 60 ёшга тўлади. **(Қарсаклар).** Мамлакат бу юбилейни муносиб нишонлайди, албатта. Сизларни эса ўз байрамингизга меҳнатда янгидан-янги катта зафарлар билан келишингизни сўраймиз. **(Қарсаклар).**

Комсомол етук камолот ёшига кирди. Аммо, унинг руҳи ҳамиша навқирон. **(Қарсаклар).** Ленин комсомоли — партиянинг жанговар ёрдамчиси ва ишончли резервидир. Сизлар союзингизнинг бутун фаолияти учун синовдан ўтган жуда катта тажрибани партиядан ўрганасизлар. Шундай бўлиши ҳам табиий. Зеро, партия билан комсомолнинг мақсади битта — у ҳам бўлса — коммунизмдир, уларнинг йўли ҳам битта — бу — Ленин йўлидир, халққа хизмат қилиш йўлидир. **(Давомли, гулдурос қарсаклар).**

Боболарингиз ва оталарингиз бошлаган улуғ ишни сизлар тўла ғалабагача етказишингиз лозим. Уларнинг муносиб ўринбосарлари бўлингиз, коммунизм байроғини баланд кўтариб борингиз! **(Гулдурос қарсаклар).**

Совет ёшларининг илғор отряди — Ленин комсомолига шон-шарафлар! **(Гулдурос қарсаклар).** Мамлакатимизнинг ёш авлодига шон-шарафлар! **(Гулдурос қарсаклар. Ҳамма ўрнидан туради ва бир овоздан «Ленин! Партия! Комсомол!» деган сўзларни такрорлайди).**

Яшасин Ленин партияси, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси! **(Гулдурос қарсаклар. Зал гумбази остида «КПССга шон-шарафлар! Ура!» садолари янграйди).**

Яшасин коммунизм бинокори — совет халқи! **(Давомли, гулдурос қарсаклар. Овация узоқ вақт янграйди. Съезд иштирокчилари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, КПСС Марказий Комитетининг ленинчи Сиёсий бюроси шарафига, Ленин комсомоли шарафига табрик сўзларини айтадилар. «Ленин биз билан!» деган шиорни бир овоздан такрорлайдилар).**

Ўзбекистон педагогларининг катта анжумани

ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ V СЪЕЗДИДАН

Республикадаги 200 мингдан зиёд педагоглар номидан вакил бўлиб келган энг яхши мактаб ўқитувчилари ва мураббийлардан 2 минг киши 25 апрель куни Тошкентда очилган Ўзбекистон ўқитувчилари V съездига тўпландилар. Ўқитувчиларнинг аввалги съездидан буён орада тўрт йил ўтди. Республика халқ маорифи системасида жуда катта ишлар амалга оширилди. Бу ишларга якун ясаш, КПСС XXV съезди партия ва ҳукуматнинг умумий таълим мактабларини ривожлантириш тўғрисида чиқарган шундан кейинги қарорлари асосида мактаб таълими ва тарбиясини янада такомиллаштириш йўлларини белгилаб олиш вақти келди.

...Эрталаб соат 10. Тошкент Санъат саройининг катта зали лиқ тўлган. Съездда ўқитувчилар билан бирга меҳнат коллективларининг, партия ва совет органларининг, Ўзбекистон жамоат ташкилотларининг вакиллари Москва, Россия Федерацияси, Украина, Белоруссия, Қозоғистон, Ўрта Осиё ва Закавказье республикалари, Болтиқ бўйидан келган педагогларнинг делегациялари ҳам иштирок этмоқдалар.

Съездни Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи, СССР Олий Советининг депутати, Тошкентдаги 115-ўрта мактаб ўқитувчиси М. С. Саматова очди.

Делегатлар съезднинг ишчи органларини сайлайдилар. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлар И. Г. Анисимкин, Л. И. Греков, М. М. Мусахонов, О. У. Салимов, А. А. Хўжаев, Н. Ж. Худойбердиев, Н. Маҳмудов, С. У. Султонова, КПСС Марказий Комитетининг масъул ходими А. А. Абакумов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. С. Абдалин, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Р. Ҳ. Абдуллаева, М. Д. Мухортов, А. Р. Хўжаев, СССР маориф министрининг биринчи ўринбосари Ф. Г. Паначин, хизмат кўрсатган педагоглар, қардош республикалардан келган меҳмонлар билан бирга президиумдан жой оладилар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги партия ленинчи Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси баланд руҳ билан съезднинг фахрий президиумига сайланади.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов съездда катта нутқ сўзлади.

Ш. Р. Рашидов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг табрикномасини съезд президиумига топширади.

КПСС XXV съезди қарорлари ҳамда КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Умумий таълим мактаблари ўқувчиларини ўқитиш, тарбиялаш ва уларни меҳнатга тайёрлашни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори асосида умумий таълим мактаблари ишини янада такомиллаштириш тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон ССР маориф министри С. Ш. Шермуҳамедов доклад қилди.

Ўқитувчилар съезди ўз ишини давом эттирмоқда.

(ЎзТАГ).

ТО Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Ю. ҚОДИРОВ: Мени бир неча марта вақтинчалик ишга таклиф қилишди. Мен энди ўзимни доимий ходим ҳисоблаш, йиллик отпуска олиш ҳуқуқига эгаманми?

Жавоб: СССР Олий Совети Президиумининг 1974 йил 24 сентябрдаги 311-фармонига биноан, икки ойлик ишга қабул қилинган ишчи ва хизматчилар вақтинчалик ишчи ва хизматчилар саналишади.

Агар вақтинчалик ишчи ва хизматчи икки ой ишлагач, бир ҳафтадан ошмайдиган танаффусдан сўнг яна шу корхона ёки муассасага қабул қилинса, у ҳолда доимий ишчи саналади. Бир одамнинг бир йилда бир лавозимга бир неча марта қабул қилиниши СССР Олий Совети Президиумининг «Вақтинчалик ишчи ва хизматчиларнинг меҳнат шароити тўғрисида»ги фармонига зиддир.

Вақтинчалик ишчи ва хизматчилар отпуска олиш ёки унинг пулини олиш ҳуқуқига эга эмаслар. Шу муносабат билан бирга, ўқув юртларида сиртдан ўқийдиган вақтинчалик ходимлар ҳақ тўланадиган ўқув отпускаларига чиқиш ҳуқуқига ҳам эга эмаслар.

* * *

Р. ШАРИПОВ: Ҳозир ер юзида қанча аҳоли яшайди.

Жавоб: Ер юзи аҳолисининг умумий миқдори ҳақида БМТнинг йиллик Демографик китобидан билиш мумкин. Унда 1976 йил маълумотлари келтирилган. Шу йилнинг ўртасида инсониятнинг умумий миқдори 4 миллиард 44 миллионтага етган. Аҳолининг йиллик ўсиши 77 миллион кишига, ёки 1.9 процентга тенг. Жумладан. Европада 1976 йилда 476 миллион, Осиёда 2.304 миллион, Ўрта Америкада 239 миллион, Лотин Америкасида 333 миллион киши яшайди.

* * *

В. КАРИМОВ: Яқинда мен автобусда кетаётгандим, билет олишни унутиб қўйибман. Контролёр мендан бир сўм жарима олди. Мен автобусдан тушмай кетавердим. Манзилимга етиб, автобусдан тушмоқчи бўлгандим, яна бир контролёр автобусга чиқиб, мендан яна бир сўм жарима олди. Шу тўғрими?

Жавоб: Ҳа, иккинчи контролёр тўғри қилган. Чунки биринчи жарима йўловчини билет олиш бурчидан халос қилмайди. Агар жарима тўлаган киши йўл ҳақини тўламаса, сал вақт ўтгач ўша контролёрнинг ўзи унга яна жарима солиши мумкин. Транспортда шаҳар ичида юрганлик учун ҳақ тўлашнинг бундай тартиби бутун мамлакатимиз территориясида мавжуддир.

КЎЧА ТАСОДИФЛАРГА ТЎЛА

ГАИ АХБОРОТИ

«Москвич — 407» маркали енгил автомашинаси 45 от кучига эга. «Верховина —6» мопеди унга нисбатан анча ихчам ва енгил. Кўча ҳаракати қоидалари эса, барча транспорт воситалари учун баббаравардир. Шу билан бирга, ҳар хил йўлдаги ҳаракатда кимнинг «тоши оғир» ва двигатели қувватли бўлса ўшанинг имтиёзи ортиқ эмас, балки катта йўлдан бораётган транспортнинг имтиёзи ортиқдир.

«Таштекстильмаш» заводининг слесари Михаил Алёшин буни унутиб қўйди. У 38—58 ТНЛ «Москвич» машинасини бошқариб борар экан, Сегизбоев ва Қатортол кўчалари чорраҳасида у томон катта йўлдан мопед ҳайдаб келаётган 200-мактабнинг 10-синф ўқувчиси Қаҳрамбек Маминовни ўтказиб юбормади ва мопед билан тўқнашди.

Тўқнашув натижасида мактаб ўқувчиси жароҳатланиб «Главташкентстрой»нинг медицина санитария қисмига келтирилди. М. Алёшин ҳаракат қоидасини бузганлиги учун Давлат автоинспекциясининг маъмурий комиссиясига юборилди.

Шаҳримизнинг Октябрь районидаги Ҳамза номли 3-сон музика мактабида меҳнаткашларнинг 500 фарзанди музика санъати сирларини эгалламоқда. Бу ўқув даргоҳида ўз касбининг устаси бўлган педагоглар меҳнат қилишади. Педагоглар коллективи райондаги ўрта мактабларда музика дарслари ва тўгаракларнинг ишини намунали ташкил этишда яқиндан ёрдам кўрсатяпти. Музика мактабининг ўқувчилари кўпгина санъат байрамлари ва фестивалларда иштирок этиб, бир қанча фахрий мукофотларни қўлга киритишга муваффақ бўлган.

СУРАТДА: 5-синф ўқувчиси Маҳмуда Туробова ўқитувчи Абдумажит Абдуҳакимов раҳбарлигида дуторда янги куйни машқ қилмоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

• Маданият хроникаси

ЭЛЛИГИНЧИ САҲНА АСАРИ

Юрий Гагарин номидаги Тўқимачилар маданият саройида бир неча йиллардан буён ишлаб турган халқ театрининг ҳар галги янги спектакли ҳавaскорларнинг ижрочилик фаолиятида янгилик бўлади. Иззат Султоннинг «Кўрмайин босдим тиконни» пьесаси асосидаги спектаклни ҳам томошабинлар зўр қизиқиш билан кутиб олишди. Ундаги ролларни тўқимачилик комбинати ишчилари Эргаш Раҳимов, Хурсандой Тилопова, педагогика институти студенти Насиба Кулбековалар ижро этишмоқда. Бу спектакль театр ташкил топгандан буён саҳналаштирилган эллигинчи саҳна асари ҳисобланади.

1961 йилда ўз фаолиятни бошлаган ҳаваскорлик студиясига Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Аҳмад Юнусов бадиий раҳбарлик қилмоқда.

Эргаш Раҳимов, Мухтор Исмоилов, Муҳаррам Эрманова, Қодир Қосимовлар ўзларининг яратган баркамол образлари билан тўқимачилар олқишига сазовор бўлишмоқда.

Уйғуннинг «Она», Мано Брентнинг «Бундайлар туғилмагани маъқул эди», Душан Файзийнинг «Қора соч», Ҳамза Умаровнинг «Ёр юрган кўчалар» каби асарлари ҳаваскорлик театри репертуарини бойитиб турипти.

С. СИРОЖИДДИНОВ,
Н. НУРИДДИНОВ.

БУТУНИТТИФОҚ КЎРГАЗМАСИДА

Республика маданият министрлигининг панорам ва бадиий кўргазмалар дирекцияси махсус экспонатларни Москвага юборди. Бутуниттифоқ кўригида намойишга қўйилган асарлар орасида М. Тўхтаевнинг «Область ҳарбий комиссари», Ж. Умарбековнинг «Генерал Миршаропов», республикада хизмат кўрсатган рассом С. Абдуллаевнинг «Генерал Норхўжаев», В. Жмакиннинг гражданлар уруши йиллари ҳақидаги «Қизил қишлоқ» П. Красноярцевнинг «Катта йўлнинг даврлари» триптихи ва бошқа қатор картиналари бор.

Бу картиналар мамлакатимиз қардош халқлари рассомларининг катта кўргазмасида муваффақият билан намойиш этилиб талабчан томошабинларнинг олқишига сазовор бўлди.

КОМСОМОЛ ЖАСОРАТИГА БАҒИШЛАБ

Ҳамид Олимжон номли маданият уйида ўтказилган тематик кеча Ленин комсомолининг шонли юбилейига бағишланган бўлиб, у «Жасоратга ҳаётда ҳамиша ўрин бор» деб аталади.

Гражданлар урушининг қатнашчиси, ҳозирда шахсий пенсионер Жўра Алимов республика комсомолининг туғилиши, унинг дастлабки жасоратли одимлари ҳақида гапириб берди. Шоир Раим Фарҳодий комсомолга бағишланган шеърларини ўқиди. Кеча охирида бадиий ҳаваскорлик коллективларининг концерти берилди.

ОИЛА ДАВРАСИДА СУҲБАТЛАР

ИЛДИЗ ЧУҚУР БЎЛСА...

ТЕЛЕГРАММА қисқа эди. «Отангнинг аҳволи оғир. Тезроқ етиб кел».

Комилжон уни ўқиди-ю, юрагининг бир чеккаси сирқираб кетди. Оқшом тушиб қолган, нариги хонада ўғилчаси мультфильм кўраётган бўлса керак, телевизор овози борича ҳайқириб ётарди. Хотини қаёққадир чиққан шекилли.

Одамнинг ҳаётида шунақа дақиқалар бўладики, киприк қоққулик муддатда у ўзининг бутун босиб ўтган йўлини кўз ўнгига келтиради. Ҳозир Комилжон шунақа аҳволда эди. У энг аввало отасининг қора сумка кўтариб келаётган қиёфасини кўз ўнгига келтирди. Отаси ҳар оқшом эшикдан сумка кўтариб кириб келарди. Уларнинг қишлоғи шаҳарга яқин жойда бўлгани учун отаси фабрикада ишлар, эрта кетиб кеч келарди. Ҳар куни у Комилжон билан кенжа қизчасига бирон нарса олиб келарди. Тўртта қурутми, икки стакан пистами...

Комилжон мактабда анча яхши ўқиди. Деворий газета чиқариш, комсомол ишларида қатнашиб юрди. Ўқувчиларнинг область слётларига ҳам қатнашди. Дадаси унга катта умид боғлаган эди. Аяси ҳам ҳар гапида ўғлининг ўқимишли эканини фахрланиб қўшниларига мақтанарди. Хуллас, ўнинчи синфни битиргунча Комилжон қандай қилиб бўлмасин Тошкентга келиб ўқишга қарор қилди.

Ўша йили ўзи яхши кўрган математика факультетига имтиҳон топширди. Аммо имтиҳондан ўтолмади. Шунга қарамай, у қишлоғига қайтиб бормади. Назарида қайтиб борса, биров уни масхара қилаётгандек эди. Икки ойча шаҳарда у ўртоғиникидан бу ўртоғиникига бориб, салланглаб юрди. Охири қурилиш трестига ишга кирди. Кундузи ишлаб, кечалари имтиҳонга тайёргарлик кўрди. Дастлабки пайтлари қишлоғини, ота-онасини соғингандек бўларди-ю, аммо барибир ўқишга кирмасдан қайтиб боришни хаёлига ҳам келтирмасди. Ота-онасининг «Ўқишинг нима бўлди?» деган саволига мужмал жавоб қилиб хат ёзаверди. Келгуси йили унинг омади чопди. Худди ўша ўзи яхши кўрган факультетга ўқишга кирди. Шундан кейингина бошини баланд кўтариб, қишлоғига борди. Дадаси билан аяси қувониб кетишди. Ўша куни уйга меҳмон тўлиб кетди. Комилжоннинг ўзи ўқиган мактаб директори ҳам келди. Бу киши ҳам математик эди.

— Дунёда ҳеч нарса йўқолмайди,— деганлари рост экан,— деди у қувониб. —Мана, беш йилдан кейин мен пенсияга чиқиб кетаман. Насиб этса, ўрнимга Комилжон келади. У мактабда ўқиб юрганидаёқ, математикага қобилияти зўр эканини билардим. Ўзимга ўринбосар топилганидан хурсандман.

Албатта, олий ўқув юртида билим олишнинг ўзи бўлмайди. Қишки сессиясида Комилжон иккита имтиҳондан уч олди. Энди унга стипендия йўқ эди. Отаси орқа-воротдан эшитганми, хуллас унга ҳар ойда 40 сўмдан пул келиб турадиган бўлди. Комилжон аввалига ота-онасини овора қилаётганига ийманди-ю, кейин кўникиб кетди. У ҳар гал пул қоғози келганида қувонар, лекин бошқа пайтда ота-онасига хат ёзишга фурсат тополмасди. Бунақа пайтларда ўзини оқлашга баҳона осон топилади. Биринчидан ота-оналари соғ-саломат бўлса бас. Ҳар куни хат ёзиб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Қолаверса, Комилжон банд одам. Бу ёқда зачетлар, имтиҳонлар...

Кейинги курсларда Комилжон яхши ўқиди. Стипендия ола бошлади. Шундай бўлса ҳам ҳамон уйидан ҳар ойига 40 сўм келиб турарди. Бундай кунлари у ўртоқлари билан паркка кириб пиво ичишни яхши кўрарди.

Ҳаётнинг яхши лаҳзаси тез ўтади. Студентлик йиллари ҳам кўз юмиб очгунча ўтиб кетди. Комилжон практикада ҳам иложи борича Тошкентда қолишга ҳаракат қиладиган бўлди. Энди олисда қолган қишлоғи у ердаги ҳаёт қандайдир зерикарли бир ўтмишга айланиб қолгандек эди. Фақат охирги курсга борганида Комилжоннинг ташвиши кўпайди. Давлат комиссияси уларни тақсим қила бошлади. Комилжоннинг ўзини қишлоққа юборишларини билар эди. Уни худди ўша ўзи туғилиб ўсган районга юборадиган бўлишди. Бир вақтлар устози қилган орзу рўёбга чиқаётгандек эди. Аммо Комилжон қишлоққа боришни мутлақо хоҳламасди. Нима кераги бор? Дурустроқ театр бўлмаса, парклар бўлмаса, ўйин-кулги бўлмаса...

У қандай қилиб бўлмасин шаҳарда қолиш йўлини ўйлай бошлади. Бунинг йўли фақат битта эди. Шу ерда уйланиб қолиши мумкин эди. Комилжон бунинг ҳам иложини қилишга уринди. Ўз факультетларида ишлайдиган лаборант аёл бор эди. Шу билан ЗАГСдан ўтиб келди. Албатта, ота-онаси унинг бу иши учун қаттиқ ранжидилар. Шунга қарамай, барибир тўйига рози бўлишди. Асли уларнинг нияти бошқа эди. Комилжон уйга қайтиб борса, ўз меҳнати билан топган ҳиссасини қўшса, тўй қилишса... Отаси кўп йиллардан буён тўплаб юрган пулини аввало қизининг тўйига ишлатмоқчи эди. Ҳарқалай қиз боланинг узоқ ўтириши яхши эмас. Комилжон бориши билан синглисини узатишмоқчи эди. Начора, ундай бўлмади. Топган-тутганларининг ҳаммасини Комилжоннинг тўйига ишлатишди. Ресторанда яхшигина тўй бўлди. Келин ҳам эсли, одобли кўринади. Комилжоннинг ота-онаси келин тушириб, тўғрироғи Комилжонни келиннинг уч хонали уйига «узатиб» қайтиб кетишди.

«Ким нима деса десин, менинг ўз режам бор». Комилжон ҳар доим шуни ўйларди. У Тошкентда яхшилаб жойлашиб олганидан кейин хотинининг «паттаси»ни қўлига тутқазиш, ишлари юришиб кетгач «онаси ўпмаган қизни» олиш ниятида эди. Йўқ, хотини аҳойи эмас экан. Комилжонни бир бураган эди чирқиллаб қолди.

— Мени алдайдиган ҳали онасидан туғилган эмас.— деди у лўндагина қилиб.— Пешонангга бир чертсам, қишлоғингга бориб тушасан!

Комилжон хотинининг «пешонасига чертишидан» чўчиб қолди. Ўртада ўғилчалари туғилди. Тўғри, Комилжон шаҳар мактабига ишга жойлашди. Ўзи хоҳлаган қулайликларга эга бўлди. Аммо ёлчитиб ишламади. Доим иккилавиб юрди энг муҳим нарсани — эркини йўқотиб қўйганини, ғурурини поймол қилганини кейин тушунди. Шунинг учун оилада тинчлик йўқолди. У ҳадеб хотинини айблар, «мени тузоғига илинтирган» деб ҳисоблар, ичкиликка зўр берар эди. Лекин ҳамма айб ўзида эканлигини хаёлига ҳам келтирмасди. Бир-икки марта қишлоққа боришди. Ота-онаси уларни совуққина кутиб олишди. Йўқ, улар келиндан эмас, кўпроқ Комилжоннинг ўзидан хафа эдилар. Шунинг учун у кейинги пайтларда Андижонга боришни кескин камайтирган эди. Мана бугун мана шу совуқ хабар келиб турибди.

Комилжон девордаги соатга қараб қўйди. Еттидан ошибди. Демак поезд кетишига ҳали уч соат бор. Бемалол улгуради. У шошилмасдан ботинкасининг боғичини қадаётган эди, эшик очилиб хотини кирди. Нима гап, дегандек қараб тураверди. Комилжон индамасдан қўлидаги телеграммани кўрсатди. Хотини кўз югуртириб чиқди-ю, бош чайқади.

— Тезроқ бориш керак. Мен ҳам отланайми?

Комилжон иккиланиб қолди. Шу топда у хотини билан қишлоққа боришни истамасди.

— Аввал, борай-чи, зора тинчлик бўлса,— деди ҳардамхаёллик билан. Хотини рози бўлиб бош силкиди. Қўлига майда-чуйдалар солинган сумкани берди. Комилжон сумкани кўриши билан яна дадасининг ҳар куни кўтариб келадиган қора хўжалик сумкаси кўз ўнгига келди. Шунда бирданига виждон азобига ўхшаш бир куч вужудини сескантириб юборди.

Бола бўлиб ота-онасига нима яхшилик қилди ўзи? Дунёга кептики фақат уларни ташвишга солишдан бошқа нарсага ярамади. Мактабда ўқиди: отаси унга едирди, ичирди, кийинтирди. Институтга кираман деб имтиҳондан йиқилиб шаҳарда сандирақлаб юрди. Ўшанда ҳам онаси унга яширинча пул юбориб турди.. Ўқишга жойлашганидан кейин ҳам ўзини эплай олмади. Отаси оладиган 100 сўм маошининг 40 сўмини унга жўнатиб турди. Энди ўқишни битириб одам бўлади, бағримизга келади деганида тўй қиламан деб салкам уч минг сўмнинг бошига етди. Кейин-чи? Тўғри, кейин ишлади, пул топди. Лекин ўзидан орттира олмади. Ҳадеб хотинини ёмонлашнинг нима фойдаси бор. Топганини ўзи ичди, томоша кўришдан бўшамади. Фақат синглисини узатишаётганда 200 сўм тўёна қилди. Ўшани ҳам хотинидан олди. Хўш, у шунча йил ўқиб, кимга неча пақирлик фойда келтирди? Давлат уни нима учун шунча йил ўқитди? Битта студент учун давлат ҳар йили неча-неча минг сўм сарфлайди. Беш йил мобайнида унга давлатнинг озмунча пули кетдими! Шундай экан у нима учун ўзининг меҳнати керак бўлган жойга— қишлоққа бормасдан шаҳарга ёпишиб олди. Ахир бу ерда кадрлар етарли эди-ку. Бу ўринда ҳам у мунофиқлик қилди. Қандай қилиб бўлмасин шаҳарда қолиш учун кўнгли ўксик бир аёлни лақиллатмоқчи бўлди. Сени кўрмасам туролмайман деб «эритди». Тўғри, у сувдан қуруқ чиқиб кетмоқчи эди. Бўлмади. Хотини у ўйлагандек соддалардан эмас экан. Лекин бу билан ҳам барибир иккови ҳеч нимага эришмади. Ўзи ҳам бахтсиз. хотини ҳам. Энг даҳшатлиси бунда эмас. Энг даҳшатлиси шундаки, эндигина уч ёшга чиққан ўғилчалари бахтсиз. Комилжон ичиб келса, хотини билан тўполон қилса, энг аввал шу бола йиғлайди. Хўш, Комилжоннинг ўзи бу дунёга келиб кимни бахтли қилди? Ёши ўттизга чиқиб кимга яхшилик қилди? Ҳеч кимга! У фақат ўзини ўйлади. Қандай қилиб бўлмасин ҳаётининг силлиққина ўтишини ўйлади. Лекин ҳаётда бундай бўлмайди. Оддийгина ҳақиқат бор. Дарахтнинг илдизи ерга қанча пухта кириб борса, ўзи шунчалик баландга бўй чўзади. Комилжон эса баландга чиқишни ўйлади-ю, оёғини ердан узиб қўйди. Шунинг учун у кун сайин гуллаб-яшнаш ўрнига қуриб бораверди. Шу кетиши бўлса эрта-индин қуриб қолса ҳам ажабмас.

У нимқоронғи вагон деразасидан ташқарига тикилиб бораркан шуларни ўйлар дераза ортида ора-чора лампочкалар липиллаб ўтиб қолар бошқа ҳеч нарса кўринмас эди. Комилжон эртага қай юз билан қишлоғига кириб боришни, оғир аҳволда ётган отасининг тепасига бориб нима дейишини билолмай қийналар эди.

Ў. ҲАМИДОВ.

Таълим одоби

МАШҲУР ОЛИМЛАРДАН РИЗОУДДИН ИБН ФАХРИДДИННИНГ «ОДОБИ ТАЪЛИМ» КИТОБИДАН

Илмга муҳаббат

Камолат эгалари бўлган олимларни ҳурмат қилиш, улар ҳақида одоб билан сўзлаш ва ҳаммасига муҳаббат билан чин кўнгилдан муомала этиш лозимдир. Ўқувчиларни илм ҳосил этишга завқлантириш уларнинг кўнгилларига ҳамият, Ватанга муҳаббат ва жамиятга хизмат каби шариф туйғу уруғларини сочиш муаллимлар иқтидорига омонат қўйилганлиги шубҳасиздир. Бу ҳақда муаллимлар ҳафсаласизлик қилсалар, уларнинг тарбия қилган шогирдлари Арасту даражасида бир ҳаким, бир аллома бўлиб етишган бўлсалар ҳам бутун ҳимматлари чўнтак тўлдириш, қорин қаппайтиришдангина иборат бўлиб қолади. Бундай нарсалар илм аҳлига ярашадиган сифатлар эмасдир.

Машҳур донишмандлардан бири:

— Болаларингизни ўз замонингиз учунгина эмас; келажак замон одамлари этиб етказингиз, чунки улар келажак замон одамлари бўлиш учун дунёга келганлар, — деган. Унинг бу сўзи жуда ҳам улуғ сўздир. Бундай тўғри, маъноли сўзни айтиш ота-она, муаллим ва ақлли, соф, пок кўнгилли зотларгагина муяссар бўла олади. Бу зотлар бундай маъноли сўзни ўзларига қўлланма қилиб олиб, болаларини шу қоида бўйича тарбия қилишга киришадилар.

Маъсум, соф, пок ёш ўсмирлар жамиятнинг қони, жамият эса бир жисмдир. Агар қон бузилса, албатта жисм касалланади. Ёшлар бузуқ хулқ-атворга эга бўлсалар, жамиятдан иборат бўлган жисм ҳам, ҳеч шубҳасиз ҳалокатга учрайди.

Уларга қуйидаги нарсаларни ўргатмоқ жоиздир:

Иқтисод— тежамлик киши иқтисодга риоя қилиб, касбининг маҳсулоти ва маишатининг мадори бўлган нарсаларини кераксиз ерларга сарф этмайди, исрофга йўл қўймайди. Шу сабабдан унинг оиласини ва оилалардан ташкил топган жамиятнинг ҳоли гўзаллашади, саодат томонига йўл олади.

Фазилат— шу гўзал хислатга эга бўлган одам ота-онага, қариндош-уруғларга, дўстларга, умуман ҳамма одамларга шафқат ва марҳамат, одоб-ахлоқ ва покликка риоя қилади. Фазилат сабабли инсонлик номини булғашдан, номуссиз, виждонсизликдан пок бўлади. Фазилатсиз киши эса ҳар турли ёмонликлардан тортинмайди.

Муошират одоби —ҳар ким билан гўзал муомалада бўлиб тинч ва тотувлик билан яшаш йўлини билишни «муошират одоби» дейилади. Инсон фақат жисмдангина иборат бўлмасдан балки ҳаёт фикрига ҳам эгадир. Шунинг учун фикр тарбияси ўқувчилар учун жуда ҳам лозимдир, маданий, илмий тараққиёт фикрни тарбият этиш соясида мумкиндир.

Фикр тарбияси инсонларни олий табиатли этади. Ғайрат, иқтисод, чидам, сабр, шафқат, жамиятга хизмат, меҳнатни севиш—мана буларнинг ҳаммаси жаҳолат ва ахлоқ бузуқлиги армиясига ҳужум ва ўзни ҳимоя этиш қуролидир. Бу қуролларни истеъмол этиш йўлларини яхши билган олим шогирдлар ҳеч вақтда ўз оилаларига балки халққа юк бўлмайдилар, ўз ризқларини ҳалол касб этиб, ватан авлодига йўлбошчи бўладилар. Ақл ва қонун ман қилган нарсалар бу зотлар қошида энг ирганжли, нафратли нарсалардан ҳисобланади. Бу сояда халқ бахтиёр ва истиқболи умидли бўлади.

Ш. ЗУННУН тайёрлаган.

КАФТГА СИҒАДИГАН 17 ТОМ КИТОБ

Ставрополь нашриёти босмадан чиқарган [illegible] том китоб М. Ю. Лермонтовнинг Пятигорскдаги уй-музейи ходимлари тўплаган жажжи китоблар коллекциясини бойитди. Ҳар бир томининг ҳажми чўнтак календаридек келади, лекин ҳарфлар шундай терилганки, текстни бемалол ўқиса бўлади.

Буюк шоирнинг мамлакатимизда турли даврларда нашр этилган кичик форматдаги барча китоблари музейда сақланади. Бу китобларнинг энг кўп—ўн етти томлик туркуми ўтган асрнинг охиридаёқ босмадан чиққан. Барча томлар бир кафтга сиғади. Лермонтов асарлари жажжи китобларини совет даврида шеърият мухлисларига биринчи бўлиб ростовликлар совға қилишди. Бу «Демон» асари эди, кейинчалик «Тамань» жажжи китоб қилиб босилди.

(ТАСС).

Янги истеъмол буюмлари

«ХАРЬКОВ — 36»

УКРАИНА ССР. Харьков шаҳридаги «Электробитприбор» ишлаб чиқариш бирлашмаси «Харьков— 36» электр устарасини ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Орадан кўп ўтмай у магазин пештахталарида пайдо бўлади. Устaранинг узел ва деталларини модернизациялаш унинг пухта ва узоқ муддат хизмат қилиши имконини берди. Амалда шовқинсиз ишлайдиган бўлди.

СУРАТДА: «Харьков— 36» электр устаралари.

М. Тур фотоси, ТАСС фотохроникаси.

ЭСИНГИЗДА БЎЛСИН...

★ Шиша стакан ва бутилкалар шўр сувга ювилиб, совуқ сувга чайилса тиниқ ва ялтироқ бўлиб қолади.

★ Тўқ ранг шойи ва сатиндан тикилган кийимни ювгандан кейин намакобга (5 литр сувга 125 грамм солинади) чайилса, анчагача ялтираб туради.

★ Кийимга сачраган ёғ доғини кетказадиган бирор нарса топилмаса, доғга туз сепиб авайлаб артиш керак: доғ батамом кетгунча тузни янгилайвериш лозим.

★ Бир томчи лимон суви пичоқнинг тиғини тоза қилади.

★ Қайноқ намакобга 2—3 соат ботириб қўйилган супурги синмайди.

★ Бир чимдим туз солинса тухум оқи тез кўпиради. Тухум оқига ваниль қанди ва қаймоқ қўшилса, хушхўр ванилли крем (ширинлик) ҳосил бўлади.

★ Новшадил спирти йод доғларини яхши кетказади.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

КОНГРЕСС ОЛДИДАН

БЕРЛИН. ГДР округларида Германия— Совет дўстлиги жамиятининг конференциялари ўз ишини тамомлади. Шу конференцияларда Германия— Совет дўстлиги жамиятининг навбатдаги конгрессига тайёргарлик масалалари муҳокама қилинди. Конгресс 19 — 20 майда Берлинда ўтказилади.

Завод ва фабрикаларда, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш кооперативларида ишлаб чиқаришда юксак кўрсаткичларга эришиш учун социалистик мусобақа кенгаймоқда. «Германия— Совет дўстлиги» номли бригадалар унвони учун курашга тобора янги-янги коллективлар қўшилмоқда. Ишчилар қабул қилаётган социалистик мажбуриятларда СССР учун белгиланган буюртмаларни пухта ва ўз вақтида бажариш, совет новаторлари ва рационализаторларининг илғор тажрибасини жорий этиш энг асосий моддалардир.

НИГЕРИЯНИНГ ЯНГИ ПОЙТАХТИ

ЛАГОС. Нигерия яқин келажакда пойтахтини ўзгартиришга ҳозирлик кўрмоқда. Республиканинг қоқ марказида жойлашган Абужа Ғарбий Африкадаги шу катта мамлакатнинг янги бош шаҳри бўлиб қолади.

Соҳил бўйи Африка қитъасидаги кўпгина мамлакатлар сингари Нигериянинг ҳам энг ривож топган районидир. Ҳукуматнинг фикрича, пойтахтнинг мамлакат ичкарисига ўтказилиши олис штатлар иқтисодий жиҳатдан жонланишига ёрдам бермоғи лозим.

Ҳозир Абужада янги иморатлар қуриш бош плани ишлаб чиқилмоқда. Унда булғуси пойтахт аҳолиси ва меҳмонлари учун мумкин қадар кўп қулайликлар бўлиши: кенг-кенг парклар, ҳашаматли музейлар, кўпдан-кўп меҳмонхоналар, умумий овқатланиш корхоналари бўлиши кўзда тутилган. Атроф-муҳитни сақлаш, шунингдек жойларнинг покиза бўлишини таъминлаш масалаларига катта эътибор берилади. Федерал пойтахт ривожланишини бошқариш раиси Ажосе Адеогуннинг маълум қилишича, Абужа Нигерия халқининг анъаналари ва маданий меросини ўзида акс эттиради.

Планга мувофик пойтахт 1986 йилга бориб давлат муассасаларини қабул қилишга тайёр бўлади.

Н. АНАСТАСЬЕВ.

МАРОККО ШАҲАРЛАРИ БЎЙЛАБ

Мўъжазгина Риссани шаҳри (чапдаги сурат) анъанавий араб нақшлари билан безатилган арки билан шуҳрат қозонган. Туристлар асрдан-асрга ўтиб келаётган тош ўймакорлиги санъатини қизиқиб томоша қиладилар.

Қўҳна Сафи шаҳри (ўнгдаги сурат) маҳаллий ҳунармандлар шиша ва лойдан ясайдиган буюмлари билан машҳур.

ЧТК— ТАСС фотоси.

«ЧЕДОК»НИНГ ЯНГИ МАРШРУТЛАРИ

ПРАГА. Чехословакиянинг «Чедок» сайёҳлар бюроси шу мавсумда совет туристларига ЧССР бўйлаб 30 та янги маршрут таклиф этмоқда. Совет Иттифоқидан келадиган сайёҳлар Чехословакиянинг машҳур Карлови Вари, Марианске-Лазне курортларини, Чехословакия ва халқаро ишчилар ҳаракати тарихига оид жойларни бориб кўришлари мумкин. СССР билан ЧССР-нинг қардош тутинган шаҳарларига қатнайдиган дўстлик поездлари ҳам кўпайтирилади.

ЖАҲОНДА БИРИНЧИ ЎРИНДА

МЕХИКО. Мексиканинг пойтахти аҳолисининг сони жиҳатидан кўп вақтлардан бери пешқадамлик қилиб келаётган Токиодан ўзиб, жаҳонда биринчи ўринга чиқди. Ҳозир Мехикода 8.628.024 киши яшамоқда, Токиода эса 8.422.634 киши, Нью-Йоркда 7.481.000 киши яшамоқда.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 26/IV да **Майсаранинг иши**, 27/IV да **Майсаранинг иши** (билетлар сотилган).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 26/IV да **Инқилоб тонги**, 27/IV да **Саҳро тор.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 26/IV да **Гулбаҳор қани?** 27/IV да **Она қизим.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 26/IV да **Тўй муборак қари қиз**, 27/IV да **Тинмасин соз.**

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — МОСКВА ДАВЛАТ МУЗ УСТИДА ЦИРК АРТИСТЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ (19.30).

КИНО

26 АПРЕЛДА

Ҳаётга ташналик — «НУКУС» (кечқурун), «ДРУЖБА» (17, 20.00), «ЧАЙКА» (18.30, 20.45).

Қирқ ёшли эркак муҳаббати — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кечқурун).

Запас аэродром — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кечқурун), «МОСКВА» (18, 20.00).

Яшашга кафолат бераман — «ТИНЧЛИК» (тоқ соатларда).

Транссибирь экспресси — «МИР» (кечқурун).

27 АПРЕЛДА

Ҳаётга ташналик — «НУКУС» (кундуз ва кечқурун), «ДРУЖБА» (11, 14, 17, 20.00), «ЧАЙКА» (11, 14, 16, 15, 18.30, 20.45).

Запас аэродром — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Тентак Иванушканинг мўъжиза излагани — «МОСКВА» (жуфт соатларда).

Қирқ ёшли эркак муҳаббати — «МИР» (кундуз ва кечқурун).

Тошкент шаҳар, Октябрь районидаги 41-мактаб томонидан **Юнусов Носиржон Пўлатович** номига берилган 542310 номерли йўқолган

ЕТУКЛИК
АТТЕСТАТИ
**БЕКОР
ҚИЛИНАДИ**

И. Охунбобоев номидаги республика медицина билим юрти томонидан **Умарова Раъно** номига берилган 006462 номерли йўқолган

ДИПЛОМ
**БЕКОР
ҚИЛИНАДИ**

Ўзбек Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

1 Май соат 13.00 ва 16.00 да

Севимли хонандалар ва раққосалар иштирокида

КАТТА БАЙРАМ КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Хонандалар:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар:

Олмахон ҲАЙИТОВА, Шариф СУЛТОНОВ

Солистлар: Фахриддин УМАРОВ, Ҳожиакбар ҲАМИДОВ, Ойхон ЁҚУБОВА;

Раққосалар:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист

Мўътабар ЙЎЛДОШЕВА,
Гулчеҳра Исмоилова

Оригинал жанрда — Собир МАҲКАМОВ.

Интермедия ва юморда — Шерқўзи ҒОЗИЕВ ва Абдуфаттоҳ САИДОВ.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ
Музика раҳбари — Азиз МУЛЛАХОНОВ.

Программани— Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист — Ғулом ТОЖИЪАЛОЕВ олиб боради.

Филармониянинг бадиий раҳбари — Бутуниттифоқ ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотларининг лауреати, композитор **Мирсодиқ ТОЖИЕВ.**

Билетлар концерт зали кассасида соат 14.00 дан, шанба ва якшанба кунлари соат 10.00 дан сотилади.

КОЛЛЕКТИВ БЎЛИБ КЕЛИШ УЧУН ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўзбекистон ССР Геология министрлигининг

ТОШКЕНТ ГЕОЛОГИЯ ҚИДИРУВ ТЕХНИКУМИ

1978-79 ўқув йилига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Кундузги бўлимга қуйидаги ихтисосликлар бўйича: геология, фойдали қазилма конларини излаш ва қидириш; фойдали қазилма конларини излаш ва қидиришнинг геофизик методлари, гидрогеология ва инженерлик геологияси; фойдали қазилма конларини қидириш техникаси; тез ҳаракатланувчи математик машиналар учун программалаш.

Тўлиқ ўрта мактабни тугатган ёшлар ўзбек ва рус группаларига қабул қилинадилар.

Ўқиш муддати— 2 йилу 6 ой.

Сиртқи бўлимга қуйидаги ихтисосликлар бўйича: геология, фойдали қазилма конларини излаш ва қидириш; фойдали қазилма конларини излаш ва қидиришнинг геофизик методлари, гидрогеология ва инженерлик геологияси; фойдали қазилма конларини қидириш техникаси.

8—10-синф ҳажмида маълумотли ёшлар қабул қилинадилар.

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ— математика (оғзаки), **рус тили ва адабиёти** (иншо), — **рус группасига кирувчилар учун; математика** (оғзаки). **ўзбек тили ва адабиёти** (иншо) — **ўзбек группасига кирувчилар учун; математика** (оғзаки) **ва рус тилидан диктант 8-синф ҳажмида маълумотли билан кирувчилар учун.**

Кундузги бўлимга қабул қилинган ўқувчилар умумий асосларда стипендия билан таъминланадилар, бошқа шаҳарлардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Техникумга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: директор номига белгиланган намуна бўйича ариза, маълумоти тўғрисида ҳужжат (асли), 286-формадаги медицина справкаси 3х4 см. ҳажмидаги 4 дона фотосурат.

Паспорт, ҳарбий билет ёки чақириқ қоғози шахсан кўрсатилади.

Кундузги бўлимга ҳужжатлар 1 июндан 15 августгача қабул қилинади, 1 августдан 20 августгача кириш имтиҳонлари, 21 августдан 25 августгача техникумга қабул қилиш.

Сиртқи бўлимга ҳужжатларни 1 октябрдан 30 ноябргача қабул қилинади, кириш имтиҳонлари 1 ноябрдан 15 декабргача қабул қилинади.

Техникумга қабул қилиш 16 декабрдан 25 декабргача.

Кундузги ва сиртқи бўлимга кирувчилар ва камида 2 йиллик амалий иш стажи бўлган кишилар ариза бераётганларида меҳнат дафтарчасидан олинган кўчирмани корхона ёки муассасанинг раҳбарлиги тасдиқлаган ҳолда тақдим этадилар.

Техникум адреси: Тошкент шаҳри— 95, Студентлар шаҳарчаси, Қамарнисо кўчаси, 1-уй.

БАЙРАМГА МУНОСИБ СОВҒА

ҚАДРДОН ЎРТОҚЛАР!
СИЗЛАРНИ «ОЛМОС» РЕСПУБЛИКА УЛГУРЖИ — ЧАКАНА САВДО БИРЛАШМАСИНИНГ МАГАЗИНЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ

Сизлар бирлашманинг магазинларидан эркаклар ва хотин-қизларнинг қўл соатларини сотиб олишингиз мумкин.

«ПОЛЕТ», «СЛАВА», «РАКЕТА», «ЛУЧ», «ЗАРЯ», «ВОСТОК» маркали соатлар мамлакатимизда ва чет элларда харидорларнинг дидига манзур бўлган жуда кўп маркали соатларнинг айрим намуналаридир.

Улар ўзининг аниқ юриши, замонавий безалиши билан кенг оммалашиб кетган. Чиройли безатилган стол соатлари ҳам байрамда тақдим этиладиган энг муносиб совғалар бўлиши мумкин.

Соф ва ярим соф тошли зираклар, нафис ишланган металли брошлар, соч учун қисқичлар, модали запонкалар ҳамиша ёқимли совғадир. Улар ҳар куни кийиладиган кийимларга ва байрам либосларига ажойиб қўшимча зийнат бўлади.

Туғишган ва яқин таниш-билишларига ошхонанинг кумушли асбоблари — вилкалар, қошиқлар, стакан таглиги, қанддонлар ҳам яхши совға бўлаолади.

БИРЛАШМАНИНГ МАГАЗИНЛАРИГА ОЛТИНДАН ИШЛАНГАН БУЮМЛАРНИНГ ЖУДА КЎП НАМУНАЛАРИ ҚЎЙИЛГАН.

Улар 583 пробали (барча размердаги) никоҳ узуклари, эркакларнинг узуклари (Ленинград, Боку, Тошкент корхоналарида ишланган). **хотин-қизларнинг сапфирли, рубинли, александритли, зумрадли билакузуклари, қаҳраболи ва марваридли узуклари ва марварид шодаларидир.**

«СОВҒАЛАР» ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МАГАЗИНИГА ҲАМ КИРИБ ЎТИШНИ УНУТМАНГ!

Керамика, суяк, металл, ёғоч, пластмассадан ишланган чиройли ва нафис буюмлар, зардўзлик дўппилари ва камзулчалари амалий санъат ишқибозларига албатта манзур бўлади.

«ОЛМОС» БИРЛАШМАСИНИНГ МАГАЗИНЛАРИ СИЗЛАРНИ КУТАДИ, ҚАДРЛИ ХАРИДОРЛАР.

МАГАЗИНЛАРНИНГ АДРЕСЛАРИНИ ЭСЛАТАМИЗ:

2 — «РУБИН» — Богдан Хмельницкий кўчаси, 56-уй;
10 — Октябрь бозори;
13 — Навоий кўчаси, 1-уй;
14 — Олой бозори;
17 — Госпиталь бозори;
18 — Навоий кўчаси, шаҳар ярмаркаси;
22 — «СОВҒАЛАР» — Муқимий кўчаси, 22-уй;
26 — Бешёғоч бозори;
27 — В. И. Ленин проспекти, 40-уй;
«ЗУМРАД» — Т. Шевченко кўчаси, 31;

«ОЛМОС» УЛГУРЖИ – ЧАКАНА САВДО БИРЛАШМАСИ.

ЯХШИ ТУФЛИ ҲЕЧ ОРТИҚЧА БЎЛМАЙДИ

Энг яхши пойафзалнинг асосий хусусияти кўркамлиги, чидамлилиги, енгиллиги, замонавий бежирим кўриниши, жозибадор пардозланганлигидир. Модабоп, кўркам туфлининг ортиқчаси бўлмайди. Улар ҳамиша муносиб совғадир.

ҲУРМАТЛИ ХАРИДОРЛАР
**«ТАШОБУВЬТОРГ» МАГАЗИНЛАРИ
СИЗЛАРНИ
БАЙРАМ ОЛДИ САВДОСИГА
ТАКЛИФ ҚИЛАДИ
СИЗЛАР БУ МАГАЗИНЛАРДАН ҚУЙИДАГИ ПОЙАФЗАЛЛАРНИ СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН:**

ТУФЛИЛАР. Эркакларники. Моделли бўлиб, таглиги чармли, ғовакли, полиуретанли материалдан ишланган;

САНДАЛЕТЛАР. Эркакларники. Тошкент ва Фарғона пойафзал фабрикаларида оч ва тўқ жигарранг рангдаги материаллардан моделли қилиб ишланган;

БОСОНОЖКАЛАР. Хотин-қизларники. Юзи очиқ, баланд ва ўртача пошнали, чарм, лакли материаллардан тикилган. Ранги: оқ, қизил, зангори безалган;

БОСОНОЖКАЛАР. Хотин-қизларники. Танкеткага ўрнатилган, чиройли лакланган. Баҳоси 34—37 сўм;

ТУФЛИЛАР. Хотин-қизларники. Юзи очиқ бўлиб, ўртача пошнали;

ТУФЛИЛАР. Хотин-қизларники. Юзи ёпиқ бўлиб, ўртача пошнали, моделли.

ТУФЛИЛАР. Болаларники. Очиқ пардозланган. Баҳоси 6 сўм;

САНДАЛЕТЛАР. Чиройли рангда ва барча размерда.;

МАГАЗИНЛАРНИНГ АДРЕСИ:

1 — Киров кўчаси, 23-уй;
2 — Кафанов кўчаси, 106-уй;
3—4— турар жой шаҳарчаси, Лисунов кўчаси, 2— квартал, 47-уй;
4 — Т. Шевченко, кўчаси, 13 «А» уй;
5 — Жарқўрғон кўчаси, 35-уй;
7 — Новомосковская кўчаси, 17-уй;
9—2 — Сельмаш кўчаси проезди, 5-уй;
10 — Черданцев кўчаси, 22-уй;
13 — У. Юсупов кўчаси, 119-уй;
17-уй — Навоий кўчаси, Ц-4, 11-уй;
19 — М. Горький номли проспект, 2/27;
20 — Строительная кўчаси, 1-уйсозлик комбинати;
23 — Ш. Руставели кўчаси, 43-уй;
24 — Новза Қозиработ массиви, 1-Ўсмир проезди, 15 «а»;
27 — 1/4-Қорақамиш массиви, Ҳасанов кўчаси, 13-уй;
28 — Ш. Руставели кўчаси, 144-уй;
32 — Қатортол кўчаси, 6-квартал;
34 — Юнусобод массиви, Аҳмад Дониш кўчаси, А—1, 55-уй;

«ТАШОБУВЬТОРГ»

«УЗТОРГРЕКЛАМА» ТЕЛЕПРЕССАГЕНТЛИГИ.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ҳунар-техника таълими давлат комитети

ЎЗБЕКИСТОН ССР МЕБЕЛЬ САНОАТИ БОШҚАРМАСИ ҚОШИДАГИ

140-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1978—1979 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ:—**кенг профилдаги ёғочсоз-станокчи** (ўқиш муддати — 1 йил), **дурадгор** (3 йил), **фанерчи** (1 йил). **пардозловчи** (1 йил), **ёғочсозлик ускуналарини созловчи** (3 йил). **прессчи** (1 йил). **бадиий ва моделли мебеллар дурадгорларини** (3 йил) **тайёрлайди.**

Билим юртига 8—10-синф ҳажмида маълумотга эга бўлган 15 ва ундан катта ёшдаги йигит-қизлар қабул қилинади.

3 йиллик ўқишни тамомлаганларга ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат ва ҳунари бўйича аттестат берилади.

Ўқувчилар кунига 3 маҳал бепул овқат, кийим-бош ва ишлаб чиқариш практикаси давридаги меҳнат ҳақининг бир қисми билан таъминланадилар.

БИЛИМ ЮРТИНИ АЪЛО БАҲОЛАР БИЛАН БИТИРГАНЛАР ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА ИМТИЕЗЛИ РАВИШДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

140-ҳунар-техника билим юрти янги замонавий типда қурилган. Билим юрти қошида бадиий ҳаваскорлик тўгараги доим ишлаб туради. Янги типдаги спорт комплекси бор. Унда ҳар хил тўгараклар ишлайди (бокс, енгил атлетика, шахмат-шашка, футбол ва волейбол).

Областлардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.
Билим юрти директори номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: таржимаи ҳоли, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, турар жойидан справка, 3х4 см. ҳажмидаги 4 дона фотосурат, медицина справкаси.

Машғулотлар — 1 сентябрдан бошланади.

Ҳужжатлар соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳар, «Спутник» массиви, 4-квартал (58, 75-автобуслар, 15-троллейбуснинг «Билим юрти» бекати).

Ўзбекистон ССР Савдо министрлигининг

ТОШКЕНТ ҲУНАР-САВДО БИЛИМ ЮРТИ

1978—1979 ўқув йилига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти баққоллик— кондитерлик, гастрономия, гўшт-балиқ, сут маҳсулотлари, газламалар, тикув буюмлари, пойафзаллар, трикотаж, галантерея, парфюмерия, маданий-маиший ва хўжалик молларининг юқори малакали сотувчи-кондитер-кассирларини тайёрлайди.

Ўқиш — 1 сентябрдан бошланади.

ЎҚИШ МУДДАТИ 1 ВА 2 ЙИЛ.

Билим юртига Ўзбекистон шаҳарларида яшайдиган 15 дан 20 ёшгача (ҳамда Совет Армияси сафида ҳарбий хизматни ўтаб қайтган 23 ёшгача) **бўлган 8, 9, 10-синф ҳажмида маълумотлилар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.**

Билим юртини тугатганларга «кичик сотувчи», «сотувчи», «сотувчи-консультант», «сотувчи-контролёр-кассир» деган малака унвони берилади.

Ўқувчиларга 32 сўм стипендия берилади, етим қолган болаларга, ота-она қаровсиз қолган болаларга ва Улуғ Ватан урушининг I, II группа инвалидларининг болаларига 41 сўмдан стипендия берилади.

Бошқа шаҳарлардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Ишлаб чиқариш практикаси Тошкент шаҳридаги илғор магазинларда: Бош универмаг ва «Гастроном» республика конторасига қарашли йирик магазинларда ўтказилади.

Билим юртида ўқиш муддати меҳнат стажига киради.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: билим юрти директори номига ариза, маълумоти тўғрисидаги гувоҳнома (асли). туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (асли), турар жойидан справка, таржимаи ҳоли, 286-формадаги медицина справкаси, 3х4 см. катталикдаги 3 дона фотосурат, халқ депутатлари совети шаҳар ижроия комитети савдо бўлимининг йўлланмаси (давлат савдо бўлимининг дирекциясидан йўлланма).

Билим юртининг адреси: Тошкент—173, Чилонзор массиви, Бобир кўчаси, 3-уй (4, 9, 19-трамвайларнинг «Чопон ота», 13, 70-автобусларнинг «Медицина тез ёрдам касалхонаси» бекатлари). Телефон —78-44-30.

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

26 АПРЕЛЬ— ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

17.50 «Халқ оҳанглари». 18.00 «Ўн тўртдан ўн саккизгача». Ленинграддан олиб кўрсатилади. 18.30 Янгиликлар. 18.45 Р. Бардзамашвили раҳбарлигидаги вокал-чолғу ансамблининг концерти. 19.00 «ВЛКСМ XVIII съезди делегатлари билан учрашув». 19.30 «ВЛКСМ XVIII съезди делегатлари ва меҳмонлари учун концерт. Кремлнинг Съездлар саройидан трансляция пайтида ёзиб олинган. 21.30 «Вақт» информацион программаси. «ВЛКСМ XVIII съездида». 22.00 Хоккей бўйича жаҳон чемпионати. СССР— АҚШ терма командалари. Прагадан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтларида— «Спортлото» тиражи. Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

17.45 Кўрсатувлар программаси. 17.50 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Биз — 70-йиллар комсомолларимиз» (рус.). 18.20 «Миллионлар ленинча университети». «Маҳсулот сифатини яхшилаш— ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг муҳим омили». 18.35 Духовой чолғу асбоблари ансамбли чалади. 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 Хоразм область Боғот районидаги Наримонов номли колхоз «Қалдирғоч» ашула ва рақс халқ ансамбли ижро этади. 20.10 «Ахборот» информацион программаси. 20.30 «Дўстлик экрани». «Номларимиз қаҳрамонлар орасида». Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон телевидениеларининг биргаликдаги кўрсатуви. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. «ВЛКСМ XVIII съездида». 22.00 «Пахтакорлар байрамолди вахтасида». 22.15 «Биринчи комсомол қиз». Бадиий фильм. 23.20 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 Болалар учун фильм. «Тим лақабли машҳур ўрдакча». 19.30 «Тошкент» телепрограммаси. «Шаҳарликлар дастурхонига». 20.00 «Фақат вальс янграйди». Концерт. 20.30 Тошкент янгиликлари. 21.00 «Мамлакатимиз кишилари». Ҳужжатли фильмлар программаси. «Мария Попова», «Академик Ян Страдинь», «Бирюковлар фамилияси».

27 АПРЕЛЬ — ПАЙШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.45 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.05 «Китоб сенинг ҳаётингда». 10.50 «Учрашувга интиламан». Бадиий фильм. 12.00 «Ҳайвонот оламида». 15.00 Кузбасснинг бугунги куни ҳақида ҳужжатли фильм. 15.45 «В. Луговской поэзияси». 16.15 «Спортчилар— ВЛКСМ XVIII съезди делегатлари». 16.45 Студентлар хор қўшиқлари II Бутунроссия конкурси қатнашчиларининг концерти. 17.15 «Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун». Ленинграддан олиб кўрсатилади.

18.00 «Миллионлар ленинча университети». 18.30 Янгиликлар. 18.40 «Ренс — актёр». Мультфильм. 18.50 Бутуниттифоқ конкурси лауреати Р. Белов чалади (домра). 19.20 «ВЛКСМ XVIII съезди делегатлари билан учрашув». 19.45 ВЛКСМ XVIII съездига пионерлар рапорти. Кремлнинг Съездлар саройидан трансляция пайтида ёзиб олинган. 21.30 «Вақт» информацион программаси. «ВЛКСМ XVIII съездида». 22.00 Хоккей бўйича жаҳон чемпионати. ГФР— СССР терма командалари. Прагадан олиб кўрсатилади Танаффус пайтида — Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Ахлоқ ва ҳуқуқ». Жамиятшуносликдан ўқув кўрсатуви (рус.). 12.00 Телевизион ҳужжатли фильмлар. 12.30 «Ахлоқ ва ҳуқуқ». Жамиятшуносликдан ўқув кўрсатуви. 13.00 «Театр учрашувлари» (рус.).

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Оқ автомобиль». Болалар учун мультфильм. 18.25 «Буюк ва қудратли». 18.45 «Бизнинг бош мухбиримиздан». Кўрсатувда Тошкент шаҳар ижроия комитети ички ишлар бошқармасининг бошлиғи, генерал-майор И. Г. Сатторов иштирок этади (рус.). 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Биз қишлоқда яшаймиз». Қишлоқларни комплекс қуриш ва ободонлаштириш бўйича кўрик-конкурси. 20.00 «Дугоналар» дуторчилар ансамбли чалади. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Ғазал оқшоми». Кўрсатувни шоир Эркин Воҳидов олиб боради. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. «ВЛКСМ XVIII съездида». 22.00 «Чорвадор». Қишлоқ хўжалик ходимлари учун кўрсатув. 22.15 «Телевидение экранида биринчи марта». «Битта умр камлик қилади». Бадиий фильм. 23.40 Кўрсатувлар программаси.

Октябрь район ошхоналар трести маъмурияти, партия ва касаба союз ташкилотлари 23-ошхонанинг ишлаб чиқариш мудири Р. Нуриддиновга онаси **Жамолхон НУРИДДИНОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

«Ўзбекбирлашув»нинг Тошкент посилка базаси коллективи база ходими **Ибодулла РУЗМАТОВ**нинг вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000; ГСП, Тошкент, Ленин проспекти, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар; партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —33-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари— 32-53-10; адабиёт ва санъат— 32-56-81; ахборот — 33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85. хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 38-81-42.

Р—02378. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр—Д—1294.